

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА**

**МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛТЕТИ**

**“БАНК ИШИ” КАФЕДРАСИ**

**ХАСАНОВ РАСУЛ ЭШПЎЛАТ ЎҒЛИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕГУЛЯТИВ КАПИТАЛИНИНГ  
ЕТАРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

*5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича*

*бакалавр даражасини олиш учун ёзилган*

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”**

**“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”**

**Факультет декани**

**“Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси**

**и.ф.н., Р.Саидов**

**муdiri**

**и.ф.н., доц. З.Умаров**

\_\_\_\_\_  
ИМЗО

\_\_\_\_\_  
ИМЗО

“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2018 й.

“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2018 й.

**Илмий раҳбар: ўқ. Қурбонов.**

\_\_\_\_\_  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 й.

**ТОШКЕНТ - 2018**

## МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕГУЛЯТИВ КАПИТАЛИ ЕТАРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	<b>6</b>
1.1. Тижорат банкларининг регулятив капитали тушунчаси ва унинг таркиби.....	<b>6</b>
1.2. Тижорат банклари регулятив капитали монандлигига қўйилган талаблар .....	<b>22</b>
1-боб бўйича хулоса.....	<b>28</b>
<b>2-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА БАНК РЕГУЛЯТИВ КАПИТАЛИ ЕТАРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ</b> .....	<b>29</b>
2.1. Тижорат банклари капитали ҳисобини юритиш тартиби.....	<b>29</b>
2.2. Республикамиз тижорат банклари регулятив капитали етарлилигининг жорий ҳолати таҳлили .....	<b>36</b>
2.3. АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” регулятив капиталининг амалий ҳолати таҳлили .....	<b>48</b>
2-боб бўйича хулоса.....	<b>54</b>
<b>3- БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РЕГУЛЯТИВ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ</b> .....	<b>56</b>
3.1. Тижорат банклари регулятив капитали етарлилигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари .....	<b>56</b>
3.2. Республикамизда банк капитали монандлигини Базель талабларига мослигини таъминлаш.....	<b>61</b>
3-боб бўйича хулоса.....	<b>70</b>
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>69</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>72</b>

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллигимизнинг илк давридан бошлаб банк тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш Республика ҳукумати олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Буни Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор фармонлар ва қарорларда кўриш мумкин.

Ушбу фармон ва қарорлар банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жараёнларнинг фаол иштирокчиларига айлантириш кичик бизнес субъектларини ҳамда фермер хўжаликларини кредитлашни кенгайтириш, банкларнинг омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек, банклар билан уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини шакллантириш, хорижий банклар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида қабул қилинган.

Бунинг натижасида бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан биридир ва айни пайтда белгиланган қатор кўрсаткичлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб: “ҳозирги кунда тижорат банкларининг бош вазифаси – бундан кейин ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозонишга ва уларга ҳақиқий кўмакдош бўлишга эришишдан иборат”<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди.

Банклар капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 2017 йил давомида 2,3 баробарга кўпайиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 20,7 трлн. сўмни, устав капитали умумий миқдори эса 2,8 баробарга

---

1 Ш.М.Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халкимиз билан бирга қурамиз” Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017. – 486.

ошиб, 16,3 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда давлат улушига эга банклар капитали 11,7 трлн. сўмга ошди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли қарорига мувофиқ, Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро андозалар талабларига асосан тижорат банкларининг янада капиталлашуви, ушбу соҳага хусусий капитални жалб қилиш, ресурс базаларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, банк ишини такомиллаштириш ҳисобига банкларнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони қабул қилинди ва унда суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>3</sup>.

Ушбу ҳолатлар танланган мавзунинг долзарб эканлигидан далолат беради.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Битирув малакавий ишининг *мақсади* Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари банк тизимида банк капитали етарлилигини ўрганиш ва қиёсий таққослаш ҳамда банк капитали

---

<sup>2</sup> www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти маълумотлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи)

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

етарлилигини таъминлаш борасида илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг *вазифалари* куйидагилардан иборат:

- банк капиталининг таркиби ва уни бошқариш масалаларини кўриб чиқиш;
- банк капитали етарлилиги ва уни назорат органлари томонидан баҳолаш мезонларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикаси банк тизими капитал етарлилигининг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;
- банк капитали самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар таҳлилинини ўрганиш;
- тижорат банклари капитал етарлилигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари;
- республикада банк капитали монандлигини Базель талабларига мослигини таъминлашни ўрганиш.

**Тадқиқот объекти** бўлиб, Ўзбекистон банк тизими ва тижорат банклари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, банк капитали етарлилиги ва уни назорат қилишнинг назарий ва амалий асослари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий-амалий аҳамияти** олинган натижаларни мамлакат банк тизимида регулятив капитал етарлилиги ва уни назорат қилишда қўллашдан иборатдир.

**БМИнинг таркибий тузилиш ва ҳажми.** Битирув малакавий ишининг кириш қисми, уч асосий боб, хулоса ва таклифлар қисми ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 78 бет бўлиб, унда 14 та жадвал ва 9 та расмдан иборат.

# **1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕГУЛЯТИВ КАПИТАЛИ ЕТАРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

## **1.1. Тижорат банкларининг регулятив капитали тушунчаси ва унинг таркиби**

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич банк капиталининг етарлилиги ва уни барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилганлигидир.

Тижорат банклари капиталининг етарлилиги деганда, одатда, банкнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлаш имконини берадиган капиталнинг зарурий минимал даражаси тушунилади.

Бугунги кунда тижорат банклари бажараётган барча операциялар бевосита ёки билвосита банк капиталининг етарлилиги ва унинг сифатига боғлиқ бўлиб, ҳар қандай тижорат банкининг тўловга қобиллигини ва рисклардан ҳолилигини баҳолашда банк капиталининг етарлилиги асосий омил ҳисобланади. Тижорат банкларининг етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлаш, шунингдек, фаолияти давомида дуч келадиган рисклардан зарар кўрмай чиқиб кетиш имкониятини беради.

Ҳар қандай банк тизимининг барқарорлигини, тўловга қобилиятлилигини ва ишончлилигини таъминлашда, банк активларини ўстиришда банк капитали муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Фақатгина етарлича миқдорда барқарор капиталга эга тижорат банклари актив операцияларини эркин амалга оширишлари, талаб етилган даражада ликвидликни доимо сақлаган ҳолда самарали фаолият юритишлари ҳамда молия бозорларига эркин чиқиш имкониятига эга бўлишади. Банк тизимининг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, банкларнинг капиталлашув даражасини, уларнинг ресурс базасини янада ошириш орқали банк кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, банкларнинг иқтисодийни модернизация қилиш жараёнларидаги

иштирокини фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тижорат банклари капиталининг иқтисодий мазмунини тўлиқ англаб етиш ва унинг амалиётдаги аҳамиятини тушуниш банк капиталини самарали бошқаришда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам хронологик тарзда сақланиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида, айнан, тижорат банклари капиталини самарали бошқарилиши ва банк капиталининг етарлилигини таъминламай туриб мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини қозониш мушкул вазифа эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топмоқда.

Биринчи Президентимизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” деб номланган асарида глобал молиявий инқирознинг салбий оқибатларидан сақланишда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг иқтисодийнинг реал секторига ажратмаларини қўллаб-қувватлаш, банк ишини янада ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Натижада сўнгги йилларда республикамизнинг қатор етакчи банкларининг капиталлашув даражаси оширилган эди. Мазкур соҳада олиб борилган ишлар натижасида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси умумий кўрсаткичи умумий қабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқори бўлиши таъминланди. Бу, ўз навбатида, мазкур банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар ажратиш имкониятини кенгайтирди.

Тижорат банкларининг минимал капиталига қўйиладиган талабларнинг ортиши билан бир вақтда тижорат банкларининг салмоғи кескин камайиши кузатилиши жаҳон тажрибасидан маълум. Қолаверса, тижорат банклари томонидан йўл қўйиладиган иқтисодий меъёрларининг бузилишига оид хатоларнинг аксарияти банк капитали етарлилиги ва уларнинг мажбуриятлари билан боғлиқ. Бундай шароитда банк назорат органлари томонидан назорат сезиларли даражада кучайтирилиши талаб етилади.

Халқаро банк амалиёти тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, банк капитали етарлилигини таъминламасдан туриб банкларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш ва аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини сақлаб туриш мушкул вазифа ҳисобланади. Тижорат банклари “капиталининг етарлилиги” деганда, одатда банкнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлаш имконини берадиган капиталнинг зарурий минимал даражаси тушунилади.

Марказий банк ҳар бир банкнинг ва умуман, банк тизимининг барқарорлигини устав капитали ҳажми билан боғлайди ва устав капиталининг энг кам миқдорини белгилайди.

Банк капитали етарлиги тушунчасига таъриф беришдан олдин банк капитали бўйича қарашларга эътибор бериш керак. Масалан, профессор В.М.Усоскин банк капиталига банкнинг молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қарайди<sup>4</sup>. Кўриниб турибдики, бу ерда капитал банк ресурсларининг муҳим ва таркибий қисми сифатида қаралиши натижасида унинг асосий (ҳимоя, тезкор ва тартибга солиш) вазифалари эътибордан четда қолган.

Шу билан бирга, тижорат банки капитали Марказий банк томонидан, унинг фаолиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва тегишли операцияларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулосалар чиқариш учун, асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодчи олим Р.Г.Ольхова банк капиталининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда «ҳимоя ёстиғи» деган иқтисодий тушунчани олдинга суради. Агар тижорат банклари кутилмаганда иқтисодий жиҳатдан зарар кўрса, капитал «ҳимоя ёстиғи» сифатида кўрилаётган зарарнинг оқибатларини енгиллаштиради ва банкнинг иқтисодий жиҳатдан тўлов қобилиятини тиклаб олиш имкониятини яратади<sup>5</sup>. Ушбу таърифда банк капиталининг бир жиҳати, яъни ҳимоя вазифасига кенгроқ урғу берилган. Ваҳоланки, капитал банк учун молиялаштиришнинг манбаси вазифасини ҳам бажариши мумкин.

---

<sup>4</sup> Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. - М.: «Вазар-Ферро», 2014. С. 392.

<sup>5</sup> Банковское дело. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. - М.: «ФиС», 2016. С. 574.



Худди шунингдек, хорижлик иқтисодчи Крис Барлтропнинг банк капиталига «қимматли» манба<sup>6</sup> сифатида берган таърифни эътироф этган ҳолда, бу ерда ҳам капиталнинг моҳиятига бир томонлама аҳамият берилганлигини таъкидламоқчимиз. Ҳолбуки, банк капитали нафақат қимматли манба, балки қўшимча манба ва ҳимоя воситаси сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин.

Капиталнинг «қимматлилиги» шундан иборатки, банк ўз капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириб бориш мақсадида оддий акцияларни чиқариш, уларни молиявий бозорларда жойлаштириш ва ушбу жараён билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни амалга оширади. Ушбу жараён тижорат банки харажатларининг ошишига ва фойдасининг камайишига олиб келади. Агар, харажатлар эвазига молия бозорига сотиш учун таклиф этилган қимматли қоғозлар ўзларининг эгасини топмаса, уларнинг баҳоси номинал қиймати миқдоридан ҳам тушиб кетишига, бу эса ўз ўзидан банк капитали миқдорининг ошишига эмас балки банкнинг молиявий кийинчиликларга дучор бўлишига хизмат қилади.

Тижорат банки ишига оид илмий изланишлари билан обрў қозонган таниқли иқтисодчи олим Жан Матук банк капиталига унинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи восита сифатида қарайди<sup>6</sup>. Албатта, банкда унинг фаолияти давомида тўловга лаёқатлилиқ (ликвидлилиқ) рисқи доимо сақланиб қолади, яъни бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари учун кутилмаган ҳар қандай ҳолатда етарли даражада ликвид маблағларисиз қолиш хавфи мавжуд. Ушбу хавф банк омонатчиларининг маблағини ўз вақтида беролмаганда, ишончли мижозларнинг вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондира олмаганда вужудга келади. Агар, банк омонатчиларнинг нақд пулга ва мижозларнинг вақтинчалик кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондира олмаса, мижозларда бошқа банкларга кетиб қолиш мойиллиги туғилади, бу эса, ўз

---

<sup>6</sup> Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон, 2012 г

навбатида, банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбаларидан бири бўлган фойданинг ошишига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган ҳолатнинг сурункали равишда давом этиши банкнинг тўловга лаёқатсизлигини, охир оқибат мижозлар ва омонотчиларнинг ўз ҳисоб рақамларидан ёппасига маблағларни олишига ва банкнинг банкротликка учрашиш ҳолатига олиб келишига сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодчи олим Жан Матукнинг банк капиталини банкнинг тўловга қобиллигини таъминловчи бирламчи омил, деган фикрига қисман қўшилган ҳолда, банк капиталининг тўловга қобиллигини таъминлаб туриш учун Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган капиталнинг етарлилигига қўйилган талабларни доимо бажариб бориши зарур деб ҳисоблаймиз.

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Ш.З.Абдуллаева ва А.А.Омонов банк капиталининг иқтисодий мазмунига қуйидагича таъриф берган: «Тижорат банкларининг капитали барқарор манба бўлиб, банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир<sup>7</sup>»

Биз иқтисодчи олимларнинг банк капиталининг иқтисодий моҳиятига берган таърифларига қисман қўшилган ҳолда, мазкур ишнинг вазифасида банк капиталининг иқтисодий моҳияти ўрганилишини эътиборга олиб, олимларнинг таърифлари юзасидан ўз мулоҳазамазни билдиришга ва банк капиталининг иқтисодий моҳиятига янгича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Чунки банк капиталининг иқтисодий моҳиятига берилган тулақонли таъриф банк капиталини бошқариш билан шуғулланаётган мутахассислар ва ўқувчиларда капитал ҳақида тўлиқ иқтисодий тушунчага эга бўлишига имконият яратади. Бу ўз ўрнида, уларнинг фаолиятига ва иқтисодий билимларига самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

---

<sup>7</sup> Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш.—Т “Иқтисод-Молия”, 2006-йил 10-бет

Тижорат банклари ўз фаолиятини энди бошлаётган даврда уларнинг устав капитали бирламчи ва муҳим молиялаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Кейинчалик банк фаолиятининг кўлами кенгайиши билан устав капитали банк фаолиятида юзага келадиган рисклардан ҳимояланиш воситаси сифатида кенг қўлланилади. Шунинг учун ҳам дунёнинг кўпчилиқ мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдорига нисбатан мажбурий талаб ўрнатилган. (1-жадвалга қаранг).

### 1-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари устав капиталини минимал миқдорига қўйилган талаблар<sup>8</sup>

Йиллар	Акционерлик тижорат банклари учун	Чет эл капитали иштирокида очилаётган банклар учун	Хусусий банклар учун
1 январ 1998 й.	1,5 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	5,0 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	0,3 млн АҚШ дол. экв. Сўмда
1 январ 1999 й.	2,0 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	5,0 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	0,3 млн АҚШ дол. экв. Сўмда
1 январ 2000 й.	2,5 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	5,0 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	0,3 млн АҚШ дол. экв. Сўмда
1 январ 2002 й.	2,5 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	5,0 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	1,25 млн АҚШ дол. экв. Сўмда
1 январ 2005 й.	5,0 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	5,0 млн. АҚШ дол. экв. сўмда	2,5 млн АҚШ дол. экв. Сўмда
1 январ 2008 й.	5,0 млн. евро экв. сўмда	5,0 млн. евро экв. сўмда	2,5 млн. евро экв. Сўмда
1 январ 2009 й.	10,0 млн. евро экв. сўмда	10,0 млн. евро экв. сўмда	5,0 млн. евро экв. Сўмда
1 октябр 2017	100 млрд. сўм		

Шу боис, иқтисодчи олимларнинг банк капитали хусусида берган таърифларининг қиёсий таҳлилига таянган ҳолда муаллиф томонидан банк капиталининг иқтисодий мазмунига қўйидагича таъриф берилди: «Тижорат

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг маълумотларига асосан муаллиф томонидан тайёрланди.

банкларининг капитали улар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлиб банкнинг операцион жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир».

Демак, тижорат банклари капиталига барқарор молиялаштириш манбаи ва ўзига хос ҳимоя воситаси сифатида қараш лозим. Бу ўз навбатида, банк капитали таркибини барқарор ресурслардан ташкил этиш заруриятини юзага келтиради.

Ян Вилле Ван дер Фоссеннинг маълумотларига кўра, Европа Иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларда тижорат банклари учун устав капиталининг минимал миқдори 5 млн. евро миқдорида белгиланган. Шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси бозор иқтисодиётига ўтаётган кўпчилик мамлакатлар учун устав капиталининг минимал миқдорини 1 млн. АҚШ доллари миқдорида белгилаш лозимлигини қайд этган<sup>7</sup>.

“Капитал етарлилиги” термини ўзида банкнинг ишончилигига умумий баҳони ифодалайди. Унга кўра республикамизда устав капитали етарлилиги келгуси йилларда ҳам оширилиб, жаҳон стандартларига етказилади. Шу билан бирга, тижорат банки асосий капиталининг етарлилик миқдори уларнинг фаолиятига нисбатан қўлланилаётган иқтисодий нормативларни аниқлашда ҳам асосий иқтисодий мезон бўлиб ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, тижорат банкларининг регулятив капитали таркибини ўрганиб чиқсак мадсадга мувофиқ бўлади.

*Регулятив капитал* — банк фаолиятини тартибга солиш ва иқтисодий меъёрлар ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган банк капиталидир.<sup>9</sup>

Регулятив капитал I даражали капитал ва II даражали капиталнинг йиғиндисидан иборат.

**Регулятив капитал = I даражали капитал + II даражали капитал**

---

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капитали монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги 2693-сонли Низом. 2015-йил 6-июл

Кўпчилик адабиётларда регулятив капитал деганда I даражали ва II даражали капитал йиғиндисидан иборат деб таъкидлашади. Лекин биринчи даражали капитал таркибидан бир нечта элементлар чегирилгандан кейин иккинчи даражали капитал билан қўшилиб регулятив капитални ҳосил қилади. Буни қуйида капитал таркибида кўриб ўтамиз.

I даражали капитал *I даражали асосий капитал* ва I даражали *қўшимча капитал*ни ўз ичига олади.

*I даражали асосий капитал* банк регулятив капиталнинг 60 фоизидан кам бўлмаслиги ва ўз ичига қуйидагиларни олиши зарур:

- ✓ банкнинг тўлиқ тўланган оддий акциялари;
- ✓ қўшилган капитал — оддий акцияларни биринчи марта жойлаштирилишида уларнинг номинал нархидан юқори тўланган сумма;

- ✓ тақсимланмаган фойда:

- банк балансидаги аввалги йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан шаклланган капитал захиралар ва бошқа захиралар (текинга олинган мулклар (30905) ва бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси (30908) бундан мустасно);

- ✓ тўланмаган дивиденд суммасидан ташқари ўтган йиллардан қолган тақсимланмаган фойда;

- ✓ жорий йил зарарлари;

- ✓ озчилик улуш эгаларининг банк йиғма балансига бирлашадиган корхоналардаги улушлари. Бу улуш шўба корхоналари ҳисобварақлари банк молиявий ҳисоботларида бирлаштирилганда ва банк улуши бундай корхоналар капиталининг 100 фоиздан кам қисмини ташкил қилганда вужудга келади;

- ✓ девалвация захираси.

I даражали қўшимча капитал ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ✓ нокумулятив муддақиз имтиёзли акциялар. Бундай акциялар қуйидаги шартларни қаноатлантириши лозим:

- муайян сотиб олиш санаси ёки шартларига эга эмас;

- эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниши мумкин эмас;
- банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивидендлар тўланмаслиги мумкин;

- улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган дивидендлар тўланмайди;
- ✓ банк фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан олдиндан олинган рухсати билан ва чиқарилганига 10-йилдан кам бўлмаган акциялар ва сотиб олинадиган суммани капиталнинг ўша тури ёки бошқа ундан юқориқ турига алмаштиргандан сўнг ёхуд банк капиталининг монандлиги капиталга қўйилган минимал талабдан юқори эканлигини кўрсатгандан сўнг, уларни сотиб олиши мумкин бўлган.

- ✓ қўшилган капитал — имтиёзли акцияларни биринчи марта жойлаштирилишида уларнинг номинал нархидан юқори тўланган сумма;

- ✓ I даражали қўшимча капиталга қўшилиш шартларига жавоб берувчи шўба корхоналарнинг иштирок этиш улуши (шўба корхоналари томонидан чиқарилган ва учинчи шахслар ихтиёрида бўлган капиталга тенглаштирилган воситалар).

- ✓ Дивиденд ставкалари ўзгариб турувчи имтиёзли акциялар юқорида келтирилган I даражали асосий капитал ва I даражали қўшимча капиталларнинг шартларини бажаришидан қатъи назар, I даражали капитал ҳисоб-китобига киритилмайди.<sup>10</sup>

II даражали капитал қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ✓ жорий-йилдаги соф фойдаси, банкнинг оралиқ молиявий ҳисоботи аудиторлик текширувидан ўтган бўлса — тасдиқланган молиявий натижаларидан кўп бўлмаган миқдорда, акс ҳолда банк ҳисоботидаги соф фойданинг 50 фоизи;

- ✓ чегирмалардан сўнг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активлар суммасининг 1,25 фоизидан юқори бўлмаган миқдордаги стандарт кредитларга (активлар) яратиладиган захиралар;

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банклари капитали монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги 2693-сонли Низом. 2015-йил 6-июл

✓ чегирмалардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали хусусиятларига эга бўлган воситалар). Аралаш турдаги мажбуриятлар, шунингдек I даражали капиталга киритилмаган имтиёзли акциялар, агар улар қуйидаги шартларга жавоб берса,

- II даражали капиталга киритилади:
- тўлиқ тўланган;
- гаров билан таъминланмаган;
- банк тугатилганда уларга доир талаблар банк депозиторлари ва банк бошқа кредиторлари талаблари бажарилгандан сўнг қондириладиган;

- акция эгасининг ташаббуси билан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан берилган розилигисиз тўланиши мумкин бўлмаган;

- банкнинг барча захираларини қоплаши ва банкни тўловга қобилияциз деб эълон қилиш ҳуқуқини бермайдиган;

- агар банк охириги 3 та чорак мобайнида фойда олмаган бўлса ёхуд оддий ёки имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар (фоизлар) тўламаслик тўғрисидаги қарор қабул қилишда ушбу мажбуриятларга доир дивидендлар (фоизлар)ни тўлаш муддати эмитент хошишига кўра кечиктирилиши мумкин бўлган акциялар;

✓ субординар қарз, бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг I даражали капиталнинг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз суммаси тўлаш муддати йетиб келгунга қадар охириги 5-йил давомида-йилига 20 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- гаров таъминотига эга бўлмаслиги;

- банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозиторлар ва банкнинг бошқа кредиторлари талаблари кондирилганидан сўнг амалга оширилиши;

- бошланғич тўлов муддати 5-йилдан кейин бўлиши;

- муддатидан аввал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсати билан қайтарилиши.

- активларнинг бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммасининг 45 фоизи миқдори.

Капиталдан чегирмалар капитал монандлиги коэффициентлари ҳисоблангунга қадар I даражали капиталдан чегирилади.

I даражали капитални ҳисоблаб чиқаришда *I даражали асосий капитал* ва *I даражали қўшимча капитал* йиғиндисидан қуйидагилар чегирилади:

- номоддий активлар;

- номоддий активлар — моддий-ашёвий кўринишга эга бўлмаган, бир-йилдан ортиқ фойдали хизмат муддатига эга бўлган ва банк хизматларини кўрсатишда ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган номонетар, идентификацияланадиган активлардир (дастурий таъминот, фойдаланиш ҳуқуқи, маркетинг ва техник маълумотлари, гудвилл, муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари ва бошқалар).

- бирлашмаган хўжалик юритувчи субъектлар капиталига барча инвестициялар суммаси, шу жумладан бундай хўжалик юритувчи субъектлар капиталини ташкил қилувчи қарз мажбуриятлари;

- бошқа банкларнинг капиталига қилинган инвестициялар.

Бунда I даражали капиталдан чегирмалар таркибига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 18-ноябрдаги ПФ-4053-сон «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ танлов савдоларида банкларга реализация қилинган ишлаб чиқарувчи банкрот корхоналар мол-мулки негизида ташкил қилинган корхоналарга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 19-ноябрдаги



Ф-4010-сонли фармойиши билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналарни танлов савдоларида банкларга реализация қилиш тартибига мувофиқ иқтисодий судларнинг қарорларига биноан кредитор банклар балансига тугатиш қиймати бўйича қабул қилинган ишлаб чиқарувчи банкрот корхоналар мол-мулки негизда ташкил этилган корхоналарга банкларнинг инвестициялари киритилмайди.<sup>11</sup>

Регулятив капитал таркибига хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолиятининг юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган шартлар (ташкил қилинадиган жамғармалар/захиралардан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш, қарз мажбуриятларини чиқариш шартлари ва бошқалар) билан чекланган капитал элементлари киритилиши мумкин эмас.

I даражали капитал регулятив капиталнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. II даражали капитал миқдори I даражали капитал миқдорининг учдан бир қисмидан ошиб кетса, ошган сумма регулятив капитал таркибига киритилмайди.

Ҳозирги вақтда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатада тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда ва унинг етарлилик даражасини белгилашда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган андозалардан асос сифатида фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда дунёнинг кўпчилиқ мамлакатларида тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандартлардан асос сифатида фойдаланилмоқда. Халқаро Базель қўмитасининг стандартларига асосан банкнинг жами капитали *асосий ва қўшимча капиталга* ажратилади. Ушбу стандартлар биринчи марта 1988 -йилда ишлаб чиқилиб, амалиётга 1993 йилдан бошлаб жорий этилган.

Базель андозаларига кўра асосий капитал элементлари қуйидаги расмда келтирилган.

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини ташдиқлаш тўғрисида”ги Ф-4010-сонли Фармойиши 2008-йил 19-ноябрь



**1-расм. Базель андозаларига кўра асосий капитал элементлари**<sup>12</sup>

Шуниси эътиборга молики, хорижий банк амалиётида банкларда аудит текшируви ўтказилиб, аудит хулосаси тасдиқлангунга қадар жорий йилнинг фойдаси асосий капитал таркибига киритилади. Халқаро Базель андозалари бўйича банкларнинг қўшимча капитали таркиби асосий элементлари қуйидаги расмда берилган.



**2-расм. Базель андозалари бўйича банкларнинг қўшимча капитали таркиби асосий элементлари**<sup>13</sup>

<sup>12</sup> Абдуллаева Ш.З., Омонов А.А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. –Т.: «ИQTISOD-MOLIYA», 2006. 122 б.

<sup>13</sup> Абдуллаева Ш.З., Омонов А.А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. –Т.: «ИQTISOD-MOLIYA», 2006. 122 б.

Базель андозалари бўйича консолидациялашган шўъба корхоналари деганда банк қошида ташкил этилган, мустақил балансга эга бўлмаган кредит муассасалари (лизинг, факторинг, траст, форфейтинг компаниялари) кўзда тутилади.

Базель кўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида кўзда тутилмаган рискларни қоплаш мақсадида 1997 йилдан III даражали капитални амалиётга жорий қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Унга кўра, учинчи даражали капитал қисқа муддатли (икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим) субординар қарзлардан иборат бўлиб биринчи даражали капиталнинг 250 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

Банк капитали таркибини шакллантиришга Базель андозалари асос сифатида олинган бўлсада, иқтисодчи олимлар унга турлича ёндашдилар. Жумладан, хорижлик олимлардан Р.Г.Ольхова, Ю.П.Савинский ҳамда Ўзбекистонлик олимлардан проф. О.О.Олимжонов ва и.ф.н. Б.Б.Бабаевларнинг номларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Махсус захиралар банк балансининг контрактив ҳисобварақасида акс эттирилиб банк харажатлари ҳисобидан шакллантирилади. Базель кўмитасининг андозаларига кўра активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захирасини рискка тортилган жами активлар суммасининг 1,25 фоизга тенг миқдорини II-даражали банк капитали таркибига киритилади. Демак, муаллифнинг махсус захираларни 100 фоиз банк капитали таркибига киритмаслиги мақсадга мувофиқ эмас.

Девальвация захирасига келсак, у шубҳасиз банкнинг ўзига тегишли бўлган хорижий валютадаги капитал захира қийматининг ўсиши натижасида юзага келади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, девальвация захирасини нобарқарор молиявий манба сифатида қараш керак. Демак, Р.Г. Ольхованинг девальвация захирасини биринчи даражали банк капитали таркибига киритмаслигига кўшиламиз.

Айни вақтда, миллий валютасининг курси нобарқарор бўлган мамлакатларда девальвация захираси миқдорининг кескин тебраниши юз

бермоқда. Бу эса девальвация захирасини нобарқарор молиялаштириш манбаига айлантормоқда. Шу муносабат билан таклиф қилардикки, хорижий валюталар бўйича девальвация захирасини асосий капитал таркибидан чиқариб қўшимча капитал таркибига киритиш лозим.

Капиталнинг таркиби хусусида мамлакатимиз иқтисодчи олимлар О.О.Олимжонов ва Б.Б.Бабаевлар кредит рискинни қоплашга мўлжалланган захира миқдорини тўлигича капитал таркибига киритмаслигини илмий жиҳатдан асослаб беришган. Шунингдек, улар жорий йилнинг соф фойдасини капитал таркибига киритмаганлар.

Банк капиталининг бош мақсади– рискни камайтириш, «ҳимоя девори» сифатида зарарларни қоплаб, банк тўловга қобиллигини сақлаш имконини беришдир. Шу билан бирга капитал банкни ликвидлик муоммасидан ҳимоя қилади ва молиявий ресурслар бозорига кириш имконини таъминлайди.

Зеро, йирик капитал банкка барқарор обрў, омонатчилар ишончини беради. Банк капитали мижозларнинг банкка ишончини мустаҳкамлайди ва кредиторларни унинг молиявий кучига ишонтиради. Банк капитали банкнинг ҳар қандай ҳолатда мижозларнинг кредитга бўлган талабини қондира олишига ишонтириш учун етарлича катта бўлиши керак.

Тижорат банклари капитал миқдори (Марказий банк талабидан ошган қисми) уларнинг ўзи томонидан мустақил белгилансада, у кўп омилларга боғлиқ:

Биринчидан, банк учун зарур бўлган капитал миқдори унинг мижозлари ҳусусиятларига боғлиқ. Яъни мижозлар ичида йирик кредитга муҳтож корхоналар кўп бўлиши банк капитали миқдорининг кўп бўлишини талаб қилади.

Иккинчидан, тижорат банки капитали миқдори унинг актив операцияларига боғлиқ. Банк операциялари кўпроқ юқори таваккалчилик операцияларига боғлиқ бўлса, у ҳолда банкнинг капитали ҳам кўп бўлиши керак.

Учинчидан, банк капитали миқдори Марказий банк юритаётган пул - кредит сиёсати ва кредит ресурслари бозори ривожланишига боғлиқ бўлади.

Банк капитали банкнинг узоқ вақт самарали ва барқарор фаолият кўрсатишининг асосий омили ҳисобланади. Чунки:

Биринчидан, банк капитали “Қора кун” учун асосий ресурс ҳисобланади, банк жорий йўқотишларни капитал ҳисобидан қоплаш йўли билан юзага келган муаммоларни ҳал қилиш, банкни банкротликдан сақлаб қолиши мумкин.

Иккинчидан, банк капитали, банк ўз фаолиятини кенг қамровли олиб бориб маблағларни жалб қилиш, ресурс базасини ташкил қилгунча унинг фаолиятини асосий манбаси ҳисобланади.

Учинчидан, банк капитали банк фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, банкнинг обрўсини ошириб, мижозларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлайди.



**3-расм. Тижорат банклари асосий капиталининг элементлари<sup>14</sup>.**

Банк капитали банкнинг узоқ муддатдаги келажагини, ҳаётийлигини ва ўсишини бир маромга келтириб турувчи регулятор булиб, банк барқарорлигини таъминлаш, ҳавф-ҳатарларли кўйилмаларни суғурталаш

<sup>14</sup> А. Омонов. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Монография, 2-нашри-Т. “Иқтисод Молия-2010- й. 142-бет

хамда актив ва пассив операциялар орасидаги чегараларни аниқлашда банк капитали муҳим асосни ташкил қилади.

Кўп йиллар давомида йиғилган халқаро банк тажрибасидан маълум бўлмоқдаки, тижорат банкларининг капитали барқарор манбалар ҳисобидан ташкил топиши керак. Чунки тижорат банкларининг капитали банкнинг кутилмаганда вужудга келадиган зарарларини қоплаш орқали банк тушиб қолиши мумкин бўлган иқтисодий инкироздан чиқариб олиш имкониятига эга. Шу билан бирга, аҳолининг мамлакатдаги банк тизимига бўлган ишончини сақлаб туриш ва уни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Шу боис, фикримизча, тижорат банклари асосий капитали қуйидаги элементлардан ташкил топиши лозим. Асосий капитал таркибидаги маҳсул захира капитал захираси ва имтиёзли кредитлаш фонди учун ажратилган маблағлардан ташкил топади. Бизнинг фикримизча, ҳозирги кунда маҳсул захира таркибида ҳисобга олиб келинаётган девальвация захирасини эса қўшимча капитал таркибига киритилиши лозим.

Базель андозалари бўйича қўшимча капитал таркибида кўзда тутилган барча капитал элементлари иккинчи даражали капитал таркибига киритилиши лозим.

## **1.2. Тижорат банклари регулятив капитал монандлигига қўйилган талаблар**

Мамлакатимизда 2017-йилнинг 1-октябридан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 100,0 млрд. сўмни ташкил этиши лозим. Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари 2019-йилнинг 1-январига қадар устав капиталини ушбу миқдорга етказишлари лозим.<sup>15</sup>

Банк I даражали капиталининг миқдори банк устав капиталининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. Бунда банк I даражали капиталининг миқдорини аниқлаш учун банк устав капиталининг миллий валютадаги

---

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капитали монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги 2693-сонли Низом. 2015-йил 6-июл

эквиваленти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳисобот ойининг охириг кунига валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш мақсадида белгиланган валюталар курси бўйича аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги ҳолларда банкларга нисбатан регулятив капитал миқдорини ошириш тўғрисидаги талабларни қўйишга ҳақли:

- хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолиятининг юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган қониқарсиз молиявий ҳолат;
- банк фойдасининг қониқарсиз прогнози;
- юқори даражадаги банк таваккалчилиги ва балансдан ташқари моддалар мавжудлиги ҳолатлари аниқланганда.

Ҳар бир банкнинг регулятив капитали унинг монандлигини аниқлаш мақсадида 2693-сонли Низом талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилиши лозим.

Регулятив капиталнинг монандлик коэффициенти  $K1$  қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$K1 = PK / ТАУС.$$

$K1$  – коэффициент кўрсаткичи;

$PK$  – регулятив капитал;

$ТАУС$  - таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси.

$K1$  нинг минимал даражаси 0,1 (100%) га тенг

Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати 12,5 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси ( $ТАУС$ ) чегирмалар ажратилган ҳолда таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

2015-йил 1-сентябридан бошлаб таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий миқдори (ТАУС) қуйидаги тарзда ҳисобланади:

*ТАУС = Чегирмалар чиқарилган таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги баланс ва балансдан ташқари активлар суммаси + Операцион таваккалчиликлар суммаси (ОТ) + Бозор таваккалчиликлари суммаси (БТ);*

*ОТ = (100 / белгиланган К1 нинг энг кичик даражаси) X (Банкнинг охириги уч-йилдаги ялпи даромадининг ўртача суммаси X 15 фоиз);*

Ялпи даромад = (фоизли даромадлар — фоизли харажатлар) + бошқа даромадлар.

Агар ялпи даромад қайсидир-йилда нолга тенг ёки салбий кўринишда бўлганда, ўртача кўрсаткични ҳисоблашда у махраждан ва суръатдан чиқариб ташланиши лозим.

*БТ = (100/белгиланган К1 нинг энг кичик даражаси) X (Очиқ валюта позицияларининг жами миқдори X 10 фоиз).*

Очиқ валюта позицияларининг умумий суммасини ҳисоблашда хорижий валюталарнинг умумий узун ёки умумий қисқа кўрсаткичлари йиғиндисининг мутлоқ кўрсаткичининг энг каттаси олинади.

2019-йил 1-январдан бошлаб банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда К1 нинг энг кичик даражасини 0,13 (13,0 фоиз) миқдорида таъминлашлари шарт.<sup>16</sup> Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захирадан иборат. Бундай захирадан мақсад банклар томонидан молиявий ва иқтисодий қийинчилик даврларида зарарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин бўлган капитал захирасининг таъминланишини кафолатлаш ҳисобланади.

I даражали капиталнинг монандлик коэффициенти:

**К2 = I даражали капитал/ТАУС сифатида аниқланади**

<sup>16</sup> Базель III талабларига кўра республикаимиз амал қилади.



Банклар 2015 — 2018-йилларда солиқлар тўлангандан сўнг қоладиган соф фойдадан ажратмалар ажратиш орқали қуйида келтирилган кўрсаткичлардан кам бўлмаган миқдорда капитални ошириш бўйича барча чораларни кўришлари лозим.

Капиталнинг монандлик даражаси талаблари билан бир қаторда банклар I даражали капитални номоддий активларни чегириб ташланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2015-йил 6-июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2693-сонли “Тижорат банклари капитали монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги” Низомнинг 5 ва 6-бобларда назарда тутилган активлар қўшилган умумий активлар суммасига нисбати сифатида аниқланадиган левераж коэффициентига риоя этишлари керак:

**$K3 = I$  даражали капитал / (Умумий активлар+2693-сонли-  
Низомнинг 5 ва 6-боблардаги активлар — Номоддий активлар).**

Левераж коэффициентининг энг кичик даражаси 0,06 (6 фоиз)га тенг.

Левераж коэффициентини ҳисоблашда келгусида баланс активларида акс этиши эҳтимоли бўлган банк балансининг «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларидаги активлар ҳам ҳисобга олинади. Буларга капитални монандлигини ҳисоблашда қўлланиладиган активлар киради.

Бундай таваккалчиликлар муаммоли кредитларнинг катта ҳажми, соф зарарлар, активларнинг юқори даражада ўсиши, фоиз ставкалари бўйича юқори даражали таваккалчиликнинг юзага келиши ёки таваккалчиликка асосланган фаолиятга жалб қилиниш кабиларни ўз ичига олади, бироқ улар билан чекланиб қолмайди.

Юқоридаги регулятив капитал таркибига нималар киришидан келиб чиқиб, унинг етарлилиги ҳозирги кунда тижорат банкларимиздаги ҳолатлари ва унга қўйилган талаблар бўйича тўхталиб ўтсак.

Тижорат банкларининг регулятив капитали бир томондан охириги ҳимоя ёстиғи вазифасини бажаради.

Бу эса тижорат банкларини ҳимоялаш десак ҳам нотўғри бўлмаса керак, чунки тижорат банкларини охирги чора сифатида фойдаланиши мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги тижорат банклари регулятив капитали талабларидан келиб чиқиб уларнинг етарлилигини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

2010 йил сентябрь ойида банк назорати бўйича Базель кўмитаси банк капитали ва ликвидлилигининг янги стандартлари тўлиқ ишлаб чиқилганлигини эълон қилди ҳамда ноябрь ойида ушбу янги стандартлар катта йигирмалик давлатлари раҳбарларининг Сеул саммитида тасдиқланди. Базель III дея номланаётган ушбу янги стандартлар банклар капитали етарлиликка минимал талабларнинг тобора ва босқичма-босқич кучайтиришни назарда тутди. Ушбу янги стандартларга катта йигирмалик давлатларида 2013 йилдан бошлаб ўтилиши ҳамда 2019 йилга келиб ушбу давлатларда банклар ўз капиталларини Базель III талабларига тўлиқ мослаштиришлари кутилмоқда.

Биринчидан, янги талабларга кўра, 1-даражали капиталнинг етарлилик даражаси 6 фоизни (шу ва капиталга оид бошқа кўрсаткичлар таваккалчиликка тортилган активларга нисбатан ҳисобланади), шу жумладан, тўланган оддий акциялар ёки 1- даражали асосий капитал кўрсаткичи (чегирмалардан кейин) 4,5 фоиз миқдорда бўлиши лозим. Бунда 1- даражали асосий капитал кўрсаткичи 2013 йилгача 2 фоиз, 2013 йилдан 3,5 фоиз, 2014 йилдан 4 фоиз ва 2015 йилдан 4,5 фоиз миқдорда бўлиши лозимлиги белгиланган.

Иккинчидан, Базель III да банк капиталига оид қатор янги тушунчалар, жумладан «Буфер капитали» деб умумий ном олган иккита: консервацион ҳамда контрциклик буфер капитали тушунчалари киритилмоқда.

Консервацион капитал иқтисодий, молиявий инқирозлар даврида банклар зарарларини қоплаш учун ўзига яраша қалқон сифатида хизмат қилиши кутилмоқда. Контрциклик капитал ҳар бир мамлакат шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда, 0-2,5 фоиз доирасида белгиланади.

Банклар контрциклик капиталга 2016 йилдан бошлаб эга бўлишлари ва унинг миқдори 2016 йилдан 0,625 фоиз, 2017 йилдан 1,25 фоиз, 2018 йилдан 1,875 фоиз ва 2019 йилдан 2,5 фоиз бўлиши талаб қилинмоқда. Ушбу талабни 2,5 фоизга етказмаган банкларга дивидендлар тўлаш, ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш ҳамда бонуслар тўлашга чекловлар ўрнатилади.

Яна бир янги тушунча — бу тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблардир. Тизим учун муҳим банклар деганда ҳажми, мураккаблиги ҳамда тузилмавий ўзаро боғланганлиги сабабли уларнинг таназзулга учраши бутун молия тизими инқирозига ҳамда иқтисодий фаоллик фалажига сабаб бўладиган банклар тушунилади. Базель III да бундай банклар капиталига нисбатан қўшимча талаблар ишлаб чиқиши лозимлиги тўғрисида умумий келишувга келинган.

Демак, Базель III га кўра, банклар регулятив капитали кўрсаткичи биринчи даражали банк капитали, консервацион буфер капитали, контрциклик буфер капитали ҳамда тизим учун муҳим банклар капиталига қўшимча талаблар йиғиндисидан иборат бўлади.

## 2-жадвал

### Банк капитали таркибининг (Базель III талабларига кўра) янги кўриниши<sup>17</sup> (таваккалчиликка тортилган активларга нисбатан фоизда)

	Жами тўланган (оддий) акциялар (чегирмалардан кейин)	Биринчи даражали банк капитали	Жами регулятив капитал
Минимал талаб	4,5	6,0	8,0
Консервацион буфер капитали	2,5		
Минимал талаб+ Консервацион буфер капитали	7,0	8,5	10,5
Контрциклик буфер капитали	0-2,5		

Тижорат банкларида риск бошқарувини такомиллаштириш лозим. Халқаро амалиётда банк менежментининг марказий бўғини риск бошқаруви

<sup>17</sup> Бозор, пул ва кредит журнали №/02(165) 2011, 8-бет

эканлиги аллақачон исботланган. Базель I, Базель II ва Базель III стандартларининг асл моҳияти ҳам риск ва капитал ўртасидаги боғлиқликда намоён бўлади. Базель III келишувининг бош мақсади – банк ишида риск бошқаруви сифатини ошириш ҳисобланади.

Базель III билан банклар ликвидлигига ҳам иккита янги талаб киритилмоқда. Биринчиси — бу 30 кунгача бўлган жорий мажбуриятларнинг ликвид активлар билан 100 фоиз қопланишини назарда тутувчи талаб. Ушбу нормативни ҳисоблашда инобатга олинadиган активлар сифатига бўлган талаблар кучайтирилади. Жумладан, ликвид активлар сифатида баҳоланадиган қимматли қоғозлар рейтингига янада юқори талаблар белгиланади.

Иккинчи норматив — узок муддатли ликвидлик нормативидир. Банкнинг нормал фаолияти доирасида унинг бир йилгача бўлган активлари барқарор пасивлар билан 100 фоизга таъминланган бўлиши шарт.

### **1-боб бўйича хулоса**

Банкларнинг капиталлашув жараёнини мустаҳкамлашда ҳукуматнинг (давлатнинг) қимматли қоғозларидан фойдаланиш лозим. Яъни, ҳукумат қимматли қоғозларини банкнинг имтиёзли акцияларига алмаштириш йўли билан банк тизими қўллаб-қувватлаш учун барқарор муҳит яратиш имкони туғилади. Бу жараённи қўллаб-қувватлаш давлатларнинг инқирозга қарши кураш тадбирлари доирасида гувоҳи бўлдик. Бу тадбирлар банклар капиталлашув даражасини оширишга хизмат қилади. Маълумки, инқироз шароитида банклар кредитлаш фаоллигини сақлаб қолишлари учун эса қўшимча ресурслар керак бўлади.

Юқоридаги Базель III талабларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун авваламбор банкларнинг барқарор капитал базасини ошириб бориш талаб этилади. Ушбу мақсадга эришишда банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, бунинг учун эса банк фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

## **2-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА БАНК РЕГУЛЯТИВ КАПИТАЛИ ЕТАРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АМАЛИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Тижорат банклари капитали ҳисобини юритиш тартиби**

Тижорат банкларининг капиталининг асосий қисмини устав капитали ташкил қилади, шу боис оддий ва имтиёзли акцияларнинг ҳисобини тўғри юритилиши бош масала ҳисобланади.

Акциялар ҳужжатсиз шаклда депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар электрон тарзида чиқарилади. Қимматли қоғозлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ҳамда чиқарилган акциялар Марказий депозитарийда ҳисобга олингандан сўнг, депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари";

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".

Обуна қилинганда ва акция олди-сотди шартномаси тузилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

а) имтиёзли акциялар бўйича:

Дт 30303 - "Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)";

Кт 30309 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли";

б) оддий акциялар бўйича:

Дт 30306 - "Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)";

Кт 30312 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий".

Акциялар учун тўлов икки ҳил яъни тўлиқ ва қисман тўланиши мумкин шу боис ҳар икаккала ҳолатнинг ҳисобини аудит қилиш керак.

Акция учун тўлов тўлиқ ёки қисман олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи;

Кт 30303 - "Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)" ёки 30306 - "Оддий акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми (контр-пассив)".

Тўлов тўлиқ олингандан сўнг битим амалга оширилганда, акция бўйича эгаллик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботида асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акциянинг номинал қийматига:

Дт 30309 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли";

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли";

б) оддий акциянинг номинал қийматига:

Дт 30312 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий";

Кт 30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий";

в) обуна баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги ижобий фарқ суммасига:

Дт 30309 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Имтиёзли" ёки

30312 - "Рўйхатдан ўтказилган устав капитали - Оддий";

Кт 30603 - "Қўшилган капитал";

г) бир вақтнинг ўзида акция бўйича эгаллик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эгаллик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботида асосан:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари".

Акцияларнинг чиқарилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар 56795 - "Бошқа операцион харажатлар" ҳисобварағининг "Акцияларни чиқариш билан боғлиқ харажатлар" алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Шунингдек акциялар учун тўлов олдиндан ҳам амалга оширилиши мумкин. Агар акциялар чиқарилишидан аввал акциянинг қиймати потенциал акциядорлар томонидан тўлиқ ёки қисман тўланганда, акциялар бўйича

олдиндан тўловлар, акциялар чиқарилишига қадар мажбуриятларда акс эттирилади. Шунингдек, банкнинг янги акцияларига обунада иштирок этиш кафолати учун потенциал акциядорлар томонидан омонат (депозит) қўйилиши мумкин.

Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) олдиндан тўлов амалга оширилганда:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи;

Кт 29830 - "Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар";

б) акциялар сотилганда, акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботига асосан:

Дт 29830 - "Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар" - тўлов суммасига;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки

30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" - акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" - тўлов суммаси билан номинал қиймати ўртасидаги ижобий фарқ суммасига.

в) бир вақтнинг ўзида акция бўйича эгалик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботига асосан:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари".

Тижорат банкларида дивидентларнинг ҳисобини аудити қуйидаги 3 ҳолатга қаратилади:

1) Йиллик дивидентлар ҳисобланганда.

Дт 31203 - "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" Йиллик дивидендларни ҳисоблашда;

Кт 29822 - "Тўланиши лозим бўлган дивидендлар".

2) Оралиқ дивидентлар ҳисобланганда.

Дт 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" Оралиқ дивидентларни ҳисоблашда;

Кт 29822 - "Тўланиши лозим бўлган дивидентлар".

3) Фойда етмаганда имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар ҳисобланганда.

Дт 30903 - "Умумий захира фонди" Фойда етмаганда имтиёзли акциялар бўйича;

Кт 29822 - "Тўланиши лозим бўлган дивидентлар".

Дивидентлар тўланганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29822 - "Тўланиши лозим бўлган дивидентлар";

Кт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи.

Ҳисобланган дивидентлар қонунчиликда белгиланган тартибда банк устав капиталини оширишга йўналтирилиши мумкин. Бу ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 29822 - "Тўланиши лозим бўлган дивидентлар";

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки

30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" - акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" - номинал қийматидан юқори суммасига.

Бир вақтнинг ўзида акция бўйича эгалик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эгалик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботига асосан:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";

Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари".

Акцияларнинг номинал қийматини ошириш ҳисобига устав капитали кўпайтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:



Дт 30603 - "Қўшилган капитал" ёки

31203 - "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)" ёки 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" (30603 ҳисобварағида маблағ етмаганда);

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки

30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий".

Тақсимланмаган фойдани капиталлаштириш ҳисобига қўшимча акциялар жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 31203 - "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)";

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки

30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" - акциянинг номинал қийматига;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" - номинал қийматидан юқори суммасига.

Илгари чиқарилган қимматли қоғозларга эркин айирбошлаш ҳисобига банк акциялари жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) имтиёзли акцияларни оддий акцияларга ёки имтиёзли акцияларни бошқа турдаги имтиёзли акцияларга айирбошланганда:

Дт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" - акциянинг номинал қийматига;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки

30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" - акциянинг номинал қийматига;

б) эркин айирбошланадиган облигациялар айирбошлаш учун тақдим этилганда:

Дт 23602 - "Чиқарилган облигациялар" баланс ҳисобварағининг "Эркин айирбошланадиган облигациялар" шахсий ҳисобварағида - эркин айирбошлашга тақдим этилган қимматли қоғоз қийматига;

Кт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки

30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" - акциянинг номинал қийматиغا;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" - номинал қийматидан юқори суммасига, айирбошлаш коэффиценти 1 дан юқори бўлганда.

Акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ҳисобига уларнинг сонини кўпайтиришда (майдалашда), банклар ҳар бир акциядорнинг акцияси сонига мувофиқлаштириш учун шахсий ҳисобварақларда тегишли тузатишларни амалга оширади. Бу ҳолда улар бўйича бош китобда бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилмайди.

Акциялар сонини камайтириш ҳисобига уларнинг номинал қийматини оширишда (йириклаштиришда), бош китобда ҳеч қандай бухгалтерия ўтказмаларини амалга ошириш талаб этилмайди ва фақат шахсий ҳисобварақларда тузатишлар амалга оширилади.

Агар банк ўз акцияларини уларни қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда банкнинг ўз капитали акцияни сотиб олиш қийматиغا камаяди. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)" ёки

30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)";

Кт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи.

Агар банк ўз акцияларини бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари" ҳисобварағига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари";

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".

Агар банк ўз акцияларини кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли

қоғозлари" ҳисобварағига номинал қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кириш қилинади:

Дт 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари";

Кт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ".

Сотиб олинган банкнинг ўз акциялари кейинчалик иккиламчи бозорда қайта сотилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) сотиб олиш баҳосига нисбатан қиммат баҳода сотилганда:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи - акцияни сотиш қийматиغا;

Кт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)" - акцияни сотиб олиш қийматиغا;

Кт 30603 - "Қўшилган капитал" баланс ҳисобварағининг "Қайта сотиб олинган ўз акциялари бўйича қўшилган капитал" шахсий ҳисобварағи - қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги ижобий фарқ суммасига;

б) сотиб олиш баҳосига нисбатан арзон баҳода сотилганда:

Дт 10101 - "Айланма кассадаги нақд пуллар" ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи - акцияни сотиш қийматиغا;

Дт 30603 - "Қўшилган капитал" - акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ суммасига, кредит қолдиғи доирасида;

Кт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)" - акцияни сотиб олиш қийматиغا.

30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағининг "Ўз акцияларини сотиб олишдан олинган қўшилган капитал" алоҳида шахсий ҳисобварағининг қолдиғи нолга тэнг бўлса, акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" баланс ҳисобварағига ўтказилади.

в) бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";

Кт 90337 - "Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари".

Акциялар бекор қилинганда ёки банкнинг акциядорлик капитали камайтирилганда (устав ҳужжатларига киритиладиган тегишли ўзгартиришлар Марказий банкда рўйхатга олингандан сўнг), қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30315 - "Чиқарилган устав капитали - Имтиёзли" ёки

30318 - "Чиқарилган устав капитали - Оддий" - акциянинг номинал қийматиغا;

Кт 30321 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)" ёки 30324 - "Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)" - акцияни сотиб олиш қийматиغا.

Ўз акцияларини сотиб олиш билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги ижобий ёки салбий фарқ 30603 - "Қўшилган капитал" ҳисобварағининг мос равишда дебети ёки кредитига олинади. Ҳисобварақнинг кредит қолдиғи етарли бўлмаганда, етмаган салбий фарқ 31206 - "Соф фойда (зарар) (актив-пассив)" ҳисобварағига олинади.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 96314 - "Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ";


Кт 90329 - "Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари".

## **2.2. Республикамиз тижорат банклари регулятив капитали етарлилигининг жорий ҳолати таҳлили**

Тижорат банклари ўз маблағлари таркибида асосий ролни банк капитали бажаради. Банк капитали ликвид молиявий, лекин даромад келтирмайдиган ёки жуда кам даромад келтирувчи активларга хизмат қилади. Банк ўз маблағларининг хусусияти шундан иборатки, унинг салмоғи

банк ресурсларида кичик бўлишига қарамасдан, у зарур функцияларни бажаради.

Банк тизими фаолиятининг ўтган йилги кўрсаткичлари нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга жавоб беради, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори даражаларга эришилди.



#### **4-расм. Тижорат банклари жами капитали<sup>18</sup> (млрд. сўм)**

Хусусан, бугунги кунда тижорат банклари жами капитали 2013 йилда 6500 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, банкларнинг умумий капитали 9353 млрд. сўмдан ошиб кетди. 2018 йил 1 январга келиб бу кўрсаткич 20676,1 млрд. сўмга ошган.

Банк балансининг пассивида ўз аксини топган ресурслар кредит бериш, қимматли қоғозларга инвестиция қилиш ва бошқа турдаги банкка даромад келтирадиган операцияларни бажариш орқали юқори фойда олиш мақсадида банк томонидан йиғилади.

Биз олдинги параграфларда кўриб чиққанимиздек, банк ресурсларининг ичида банкнинг ўз капитали ва унга тенглаштирилган маблағлари алоҳида ўринни эгаллайди.

Биз қуйидаги жадвал орқали мамлакатимиз тижорат банклари пассивларининг таркиби ва ҳолатини ўрганган ҳолда уларга баҳо беришимиз мумкин.

<sup>18</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

**3-жадвал**

**Мамлакатимиз тижорат банклари пасивларининг таҳлили<sup>19</sup>**

(млрд.сўм)

Номланиши	Сумма (млрд сўм)					Ўсиш, %
	2013	2014	2015	2016	2017	2016/2012
<b>Жами пасивлар</b>	32 657	38 694	49 213	63 384	115158,5	243,20%
Ўз маблағлари	3 788	4 745	5 800	7 064	15869,1	228,53%
Жамидаги улуши, %	12%	12%	12%	11%	14%	х
Жалб қилинган маблағлар	28 869	33 949	43 413	56 320	99289,1	245,18%
Жамидаги улуши, %	88%	88%	88%	89%	86%	х

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки мамлакатимизда тижорат банкларининг жами пасивлари 2017 йил 1 январ ҳолатига 63384 млрд сўмни ташкил этиб шундан 7064. млрд. сўми ёки 11 фоизи ўз маблағлари ва 56320 млрд. сўми ёки 89 фоизи жалб қилинган маблағлар ҳиссасига тўғри келади. Жалб қилинган маблағлар ва ўз маблағларининг жами пасивлардаги улуши 88 фоиз ва 12 фоиз мутаносиблик 2013 йилдан 2016 йилгача ўзгармасдан келган бўлиб, 2017 йил 1 январ ҳолатига 89 ва 11 фоизга ўзгарган. 2018 йил 1 январга келиб эса 86 ва 14 %ни ташкил этиши банкларнинг ўз маблағлари ҳисобига юзага келганини кўришимиз мумкин. Бундан кўринадики банк капитали ва жалб қилинган маблағларига нисбатан охириги йилда сезиларли ошганини кўришимиз мумкин.

Банкларнинг ўз маблағлари ичида асосий ўринни банкнинг ўз капитали эгаллайди. Банкнинг ўз капитали таркибига биз юқорида келтириб ўтган капиталнинг бир қисми, яъни устав капитал, рискларни қоплаш учун ташкил қилинган резерв фонд, тақсимланмаган фойда киради.

Бундан ташқари, банкларнинг ўз маблағлари тижорат банклари фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Банкларнинг ўз капитали ҳиссасининг камайиши баъзи ҳолларда банкларнинг сенишига олиб келади.

<sup>19</sup> “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари. – Тошкент: 2014-2018 йиллар, февраль.

Одатда банклар ўз капитали ва резервлари ҳисобига маблағларга бўлган умумий эҳтиёжнинг 10 фоизидан камроқ қисмини қоплайди.

4-жадвал.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг банк капитали таркиби таҳлили<sup>20</sup>**

(млн.сўм)

№	Моддалар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2013 йилга нисбатан ўзгариши (+/-)	
							Суммада	Фоизда
1	ОдШй акциялар	2453140	3048555	3537028	3923797	10382600	7929460	260,11
2	Имтиёзли акциялар	22248	24773	28872	43490	44700	22452	90,63
	<b>Жами акциядорлик сармояси</b>	<b>2475388</b>	<b>3073328</b>	<b>3565900</b>	<b>3967287</b>	<b>10427300</b>	<b>7951912</b>	<b>258,74</b>
3	Кўшимча капитал	21840	33695	37025	40667	68400	46560	138,18
4	Девальвация захираси	780046	925871	1213940	1670392	3411400	2631354	284,20
5	Тақсимланмаган фойда	510301	711736	982899	1385523	1962400	1452099	204,02
	<b>Жами ўз сармояси</b>	<b>3787575</b>	<b>4744630</b>	<b>5799764</b>	<b>7063869</b>	<b>15869500</b>	<b>12081925</b>	<b>254,64</b>

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг банк капиталини таҳлил қиладиган бўлсак, бунда жами ўз сармояси 254,64 фоизга ёки 12081925 млн сўмга ошиб, 2017 йилда 15869500 млн сўмни ташкил этган. Тақсимланмаган фойда 204,02 фоизга ошган ва 1962400 млн сўмни ташкил этган. Тақсимланмаган фойданинг ошиши банкнинг самарали фаолият юритганлигидан далолат беради.

Банкнинг акционерлик капитали ва унга тенглаштирилган моддалар муҳим бир функцияси сифатида банк барқарорлигини ва фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўлиб, унда банк маблағлари таркиби муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўз маблағлар - банк учун молиявий ресурслар манбаси.

<sup>20</sup> “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари. – Тошкент: 2014-2018 йиллар, февраль.

**5-жадвал**

**Тижорат банкларининг хусусий капитали тўғрисида маълумот<sup>21</sup>**

*(млн. сўмда)*

№	Банк номи	01.01.2017 йил ҳолатига	01.01.2018 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				(+;-)	%
1	Миллий банк	2 752 390	4 806 800	2 054 410	74,64%
2	Асака банк	1 023 761	3 083 200	2 059 439	201,16%
3	ЎзСаноатқурилиш банк	962 505	2 241 300	1 278 795	132,86%
4	Агробанк	531 834	1 373 900	842 066	158,33%
5	Халқ банки	554 927	1 351 400	796 473	143,53%
6	Қишлоқ қурилиш банк	495 194	1 168 400	673 206	135,95%
7	Ипотека банк	460 148	1 257 800	797 652	173,35%
8	Хамкор банк	432 902	573 000	140 098	32,36%
9	Микрокредит банк	282 647	545 800	263 153	93,10%
10	КДБ Банк Узбекистан	292 532	527 900	235 368	80,46%
11	Алоқабанк	215 420	473 900	258 480	119,99%
12	Азия Альянс банк	201 925	242 900	40 975	20,29%
13	Ипак Йўли банк	229 568	365 800	136 232	59,34%
14	Капитал банк	286 943	339 000	52 057	18,14%
15	Трастбанк	163 625	219 900	56 275	34,39%
16	Ориент-финанс банк	193 610	473 900	280 290	144,77%
17	Инфинбанк	149 878	332 800	182 922	122,05%
18	Турон банк	129 094	368 900	239 806	185,76%
19	Садерат	104 133	272 900	168 767	162,07%
20	Зираат Банк Узбекистан (УТ банк)	95 459	215 500	120 041	125,75%
21	Савдогар банк	86 734	168 100	81 366	93,81%
22	Давр банк	60 905	92 600	31 695	52,04%
23	Туркистон банк	129 094	40 000	-89 094	-69,01%
24	Универсал банк	29 357	33 900	4 543	15,48%
25	Ҳи-теч банк	23 167	46 900	23 733	102,44%
26	Равнақ банк	26 962	37 200	10 238	37,97%
27	Мадад Инвест Банк	13 024	22 200	9 176	70,45%
28	Ўзагроэксспортбанк	0	75 800	75 800	0,00%
	<b>Жами</b>	<b>9 927 739</b>	<b>20 751 700</b>	<b>10 823 961</b>	<b>109,03%</b>

Тижорат банкларининг хусусий капитали ўтган йилга нисбатан 10823961 млн. сўмга ошган. Бу тижорат банклари учун ижобий ҳолат

<sup>21</sup> Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари. – Тошкент: 2014-2018 йиллар, февраль.



ҳисобланади. Тижорат банклари хусусий капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмаган, лекин банклар фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб қўйилади.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланган сари турли мулк шаклига асосланган тижорат банклари шаклланди ва кўпайди. Тижорат банкларининг аксарияти акционер банклардир. Уларнинг устав сармояси таъсисчилар қўшган маблағлардан ташкил топган. Бундай тижорат банклари акция чиқарган бўлиб, таъсисчилар акциядорларнинг катта қисмини ташкил этади.

Давлат-тижорат банклари устав фондининг асосий қисми давлат бюджетидан ажратилган бўлади.

Хусусий банклар устав фондининг асосий қисмини бу банкни ташкил этган хусусий шахс маблағи ташкил этади.

У банк фаолияти бошланғич босқичида қатор биринчи навбатдаги харажатлар амалга ошириляётганда ниҳоятда зарурдир. Кейинги босқичларда ҳам, банк операцияларини кенгайтиришда, банкнинг ўз капитали муҳим роль уйнайди. Банкнинг ўз капитали ҳисобига турли хилдаги резервлар ташкил қилинади. Чет элда гарчи банк операциялари кўламини кенгайтириш учун зарур бўлган молиявий маблағлар манбаси банк фойдаси бўлсада, баъзан янги акцияларни ва узоқ муддатли заёмларни муомалага чиқариш орқали йирик структуравий характердаги тадбирлар (бўлимларни кенгайтириш, кўшиб юбориш ва бошқалар) амалга оширилади.

Банк капиталининг ўсиб бориши банкларни бозор иқтисодиётининг етакчи субъекти сифатида фаолият олиб боришга олиб келмоқда.

Жаҳоннинг барча мамлакатларида банкларнинг ликвидлигини ошириш ва миқдорлари орасида ишончилигини мустаҳкамлаш мақсадида Марказий банк томонидан устав капиталининг минимал ҳажми ўрнатилади.

Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш бўйича Халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт ва унинг такомиллаштирилган варианты бўлган Базель-II да тижорат банклари

капитали таркибини шакллантиришга бевосита таъсир қилувчи талаблар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли қарорига асосан банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан тижорат банкларига нисбатан қўйиладиган меъерий талабаларни янада такомиллаштиришни, жумладан, капиталнинг етарлилиги ва ликвидлилик кўрсаткичи бўйича янги талабларни назарда тутган янги стандартлар ва тавсиялар (Базель-III стандартлари) ишлаб чиқилган. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк назорати бўйича Базель қўмитасининг стандарт ва тавсияларини (Базель-III стандартлари) 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаши эътироф этилган.<sup>22</sup>

#### 6-жадвал

#### Республикамиз тижорат банклари устав капиталининг ўз маблағларига нисбати<sup>23</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2012	2013	2014	2015	2016	2017
1	Банклар устав капиталлари, млрд. сўм	2038,91	2974,22	3107,00	3602,90	4007,90	10427,30
2	Банкларнинг ўз маблағлари, млрд. сўм	3091,54	3787,57	4744,60	5799,80	7064,00	15869,50
3	Устав капиталининг банкларнинг ўз маблағларига нисбати, %	65,95%	65,93%	65,49%	62,12%	56,73%	65,71%

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарори 2015 йил 6 май.

<sup>23</sup>“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари. – Тошкент: - 2014-2018 йиллар, февраль.

Юқоридаги жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, тижорат банклари устав капиталининг ўз маблағларига нисбати охириги йилларда пасайиш тенденцияни кўрсатмоқда эди. 2012 йилдан сўнг эса, бу кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлган. Тижорат банклари устав капитали ва ўз маблағлари миқдор жиҳатдан йиллар мобайнида ошиб борган. Устав капиталининг жами капитал ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки устав капитали юқори барқарорлик даражасига эга бўлган молиялаштириш манбаи ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида банк балансининг пасивидаги устав капитали салмоғининг ижобий ўзгариши банкнинг тўловга қобиллигининг мустаҳкамлигини белгиловчи бирламчи омил ҳисобланади. Тижорат банклари устав капитали нисбатан юқори барқарорликка эга бўлиб, банклар қийин молиявий ҳолатга тушганда ундан асосий ҳимоя воситаси сифатида фойдаланадилар. Тижорат банклари устав капитали салмоғини банк пасивлари таркибидаги улушининг барқарор миқдорини таъминлашга эришиш уларнинг молиявий жиҳатдан бақувват бўлишига хизмат қилади.

#### 7-жадвал

#### Республикамиз тижорат банкларининг жами капитали таркиби ва динамикаси (млрд.сўм)<sup>24</sup>

Кўрсаткичлар	Давлат улушига эга банклар <sup>1</sup>			Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар			Жами		
	2016 й.	2017 й.	фоизда	2016 й.	2017 й.	фоизда	2016 й.	2017 й.	фоизда
Жами капитал	6 573	16 672	253,6	2 408	4 005	166,3	8 981	20 676	230,2
Устав капитали	4 616	14 195	307,5	1 189	2 111	177,5	5 805	16 307	280,9
Захира капитали	12	14	116,7	29	54	186,2	41	68	165,9
Тақсимланмаган фойда	1 062	1 269	119,5	406	524	129,1	1 468	1 793	122,1

<sup>24</sup> www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти маълумотлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи)

Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ давлат улушига эга банклар капиталига Ҳукумат томонидан 670 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилди.


Бундан ташқари, ҳисобот йили давомида капиталида давлат улуши бўлмаган тижорат банклари умумий капитали 1,6 трлн. сўмга оширилган бўлиб, шундан 1 трлн. сўми қўшимча акциялар ва қарз қимматли қоғозларни жойлаштириш орқали шакллантирилди. Буларнинг натижасида, банкларнинг жами капитали 2016 йилга 130,2 фоизга ўсганини кўришимиз мумкин. Бу албатта банк тизими учун ижобий ҳолатдир.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланган сари турли мулк шаклига асосланган тижорат банклари шаклланди ва кўпайди. Тижорат банкларининг аксарияти акционер банклардир. Уларнинг устав сармояси таъсисчилар қўшган маблағлардан ташкил топган. Бундай тижорат банклари акция чиқарган бўлиб, таъсисчилар акциядорларнинг катта қисмини ташкил этади. Давлат-тижорат банклари устав фондининг асосий қисми давлат бюджетидан ажратилган бўлади. Хусусий банклар устав фондининг асосий қисмини бу банкни ташкил этган хусусий шахс маблағи ташкил этади.

Тижорат банклари устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмаган, лекин банклар фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб қўйилади. Тижорат банкларининг резерв капитали фойдадан ажратмалар ҳисобига ташкил этилиб кўзда тутилмаган зарарлар ҳамда қимматбаҳо қоғозлар курсининг пасайиши натижасида вужудга келадиган йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланади.

Тижорат банклари ўз маблағлари манбаига устав капитали ва резерв капиталидан ташқари турли мақсадлар учун тузилган жамғармалар (фондлар) ва тақсимланмаган фойда киради.

Тижорат банклари капитали миқдорига ва етарлигига бўлган талабни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли Қарорида ҳам кўриш мумкин. Қарорга асосан 2011-2015 йилларда тижорат банкларининг умумий капитали 2,1 мартага оширилиши белгилаб қўйилган эди. Амалга оширилган ишлар натижасида белгиаланган режа кўрсаткичлари муддатдан олдин ортиғи билан бажарилганини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.




**5-расм. Мамлакатимиз тижорат банкларида биринчи даражали капиталнинг етарлиги (фоизда)<sup>25</sup>**

Расм маълумотларига қарайдиган бўлсак, тижорат банкларининг биринчи даражали капитал етарлиги 2011 йил 1 январь ҳолатига 21,93 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йил 1 январь ҳолатига 12,04 фоизгача тушган бўлса, 2018 йил 1 январь ҳолатига келиб 17,30 фоизгача кўтарилган. Бунга сабаб сифатида республикаимиз банк тизимида тижорат банкларининг барқарор манбалар ҳисобидан капиталлашувига эътибор қаратилган. Тижорат банклари биринчи даражали капитал етарлигининг бу даражаси

<sup>25</sup> “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари. – Тошкент: - 2014-2018 йиллар, февраль.

уларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш истикболи мавжуд эканлигини белгилайди.



**6-расм. Мамлакатимиз тижорат банклари асосий капиталнинг етарлилиги (фоизда)<sup>26</sup>.**

Расм маълумотлари орқали умумий капитали етарлилиги таҳлили 2010-2017 йиллар оралиғида бу кўрсаткич Базель талабларидан 2-3 баровар юқори бўлган ҳолда 13,66%-20,07 % атрофида бўлган. 2010 йил давомида энг юқори кўрсаткичга эришилган. Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, республикаимиз тижорат банкларида капитал етарлилигига қўйилган талаблар юқори даражада таъминланган.

Регулятив капиталнинг етарлилик коэффиценти тижорат банкларининг тўловга қобиллигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича учта методика мавжуд бўлиб, уларнинг ичида нисбатан мукаммали, кўпчилик таниқли экспертларнинг (К.Барлтруп, Д.МакНотон, А.Симановский, В.Усоскин, О.Лаврушин ва бошқалар.) фикрига кўра, Халқаро Базель кўмитаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади.

<sup>26</sup>“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари. – Тошкент: - 2014-2018 йиллар, февраль.

Банк тизими жами капитали монандлилик даражаси таҳлили<sup>27</sup>

Кўрсаткичлар номи	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		Ўзгариши (+/-)	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
<b>I даражали капитал</b>	<b>7 179,40</b>	<b>84,90%</b>	<b>17 627,10</b>	<b>88,20%</b>	<b>10 447,70</b>	<b>145,52</b>
<i>Асосий капитал</i>	7 133,70	84,30%	17 580,30	87,90%	10 446,60	146,44
<i>Қўшимча капитал</i>	45,6	0,50%	46,8	0,20%	1,20	2,63
<b>II даражали капитал</b>	<b>1 280,70</b>	<b>15,10%</b>	<b>2 365,70</b>	<b>11,80%</b>	<b>1 085,00</b>	<b>84,72</b>
<b>Жами регулятив капитал</b>	<b>8 460,10</b>	<b>100%</b>	<b>19 992,80</b>	<b>100%</b>	<b>11 532,70</b>	<b>136,32</b>
<i>Капитал монандлилик даражаси</i>	14,70%		18,80%		4,10%	
<i>I даражали капитал монандлилик даражаси</i>	12,50%		16,50%		4,00%	

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, республикамиз тижорат банкларининг жами регулятив капитали миқдори 2016 йилда 8460,1 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда эса 19992,8 млрд.сўмгача ошиб, ўтган йилга нисбатан 11532,7 млрд.сўмга кўпайган. Бунга мос равишда банкларнинг капитал монандлилик даражаси кўрсаткичи ҳам сезиларли ошиб (4,1%га), 2017 йилда 18,80 фоизни ташкил қилган. Бу банк тизими учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

Ўз капитали рентабеллиги бўйича топ-5 банклар<sup>28</sup>

Банклар	2016 йил	2017 йил	Ўзгариш
“Ориент Финанс” ХАТБ	37,05%	54,69%	17,64%
“Ўзагроэкспортбанк” АТБ	0,00%	49,86%	49,86%
“Давр-банк” ХАТБ	24,61%	38,02%	13,41%
“Трастбанк” ХАБ	22,63%	25,45%	2,82%
“Ипак йўли” ХАТБ	24,31%	25,07%	0,76%
<b>Банклар бўйича ўртача</b>	<b>11,74%</b>	<b>10,27%</b>	<b>-1,47%</b>

<sup>27</sup> www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти маълумотлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи)

<sup>28</sup> “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари. –Тошкент. 2017 йил феврал

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки капитал рентабеллиги бўйича “Ориент Финанс” ХАТБда 2017 йил бўйича 54,69% ни ташкил этган бўлиб, ўртача кўрсаткичдан деярли 5,5 баравар юқори бўлган, ўтган йилга нисбатан 17,64% ошган. Ушбу олинган 5 та банкнинг барчасида даромадлилик ўртача кўрсаткичдан камида 2,5 баравар ортиқ бўлиб чиқмоқда.

Умумий хулоса берадиган бўлсак мамлакатимиз тижорат банклари ҳаммаси ҳам халқаро Базель қўмитаси томонидан банк капитал етарлилигига белгилаган меъёр даражасини бажариб келмоқда. Барча банклар умумий капитали ўртача кўрсаткичи ҳам ўтган йилдаги 11,74% даражадан 10,27% га , яъни 1,47 фоизга пасайганлигини анча салбий ҳолат деб баҳолаш мумкин.

### **2.3. АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” регулятив капиталининг амалий ҳолати таҳлили**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 1438-сонли Қарорига асосан тижорат банклари қўшимча акцияларни чиқариш орқали хусусий капитални 2015 йилгача 2,1 баробарга ошириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади ва бунга эришилмоқда. Тижорат банклари капитали ҳолатини алоҳида банклар мисолида кўрадиган бўлсак, банкларнинг капитали йиллар давомида ўсиш тенденциясига эгаллигини кўришимиз мумкин.

2009-йил - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009-йил 30-мартдаги "Қишлоқ қурилиш банк" Акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-1083-сонли қарорига мувофиқ ОАТ "Ғаллабанк" негизида АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" ташкил этилди. Ўз фаолияти давомида банк Республиканинг барча маъмурий минтақаларини қамраб олган кенг тарқалган филиаллар тармоғини шакллантирди. 50 дан ортиқ банк



маҳсулотлари ва молия хизматларини таклиф этаётган Банк мижозларнинг кенг доирасига хизмат кўрсатмоқда. Хизмат кўрсатишнинг кенг тармоғи банк мижозлар учун янада жозибали ва қулай бўлишига кўмаклашмоқда. Юридик шахслар, жумладан, йирик компаниялар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, микрофирмалар, шунингдек, хусусий тадбиркорлар ва жисмоний шахслар банк мижозлари ҳисобланади.

Банк фаолиятининг асосий йўналишлари Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторини кредитлаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратишга кўмаклашиш мақсадида техник ва технологик модернизациялаш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш банк фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Микромолиялаштириш, кичик бизнес субъектларини кредитлаш, савдони молиялаштириш ва институционал тараққиётга техник кўмак бериш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан халқаро молия институтлари (ХМИ) билан 10 йилдан ортиқ вақтдан буён муваффақиятли ҳамкорлик олиб борилаётгани Банк ишончилиги ва барқарорлиги кўрсаткичидир. ХМИ билан ҳамкорлик банк ривожланишининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.



**7-расм. АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг асосий кўрсаткичларини ўсиш динамикаси<sup>29</sup> (млрд.сўм)**

<sup>29</sup> АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Расм маълумотларидан кўринадикки, АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"нинг барча кўрсаткичлари ўсиш динамикасини кўрсаткатгандир. Энг асосийси банкнинг ами капитали ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Яъни 2016 йилда банкнинг капитали 495 млрд сўм бўлган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 1168 млрд сўмга ошган. Бунга ижобий баҳо беришимиз керак. Қуйидаги жадвалда банкнинг пассивларига баҳо берамиз.

**10-жадвал.**

**АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" пассивининг солиштирма таҳлили<sup>30</sup>**

№	Кўрсаткич номи	01.01.2017 йил		01.01.2018 йил		Ўзгариши(+,-)	
		Сумма млрд.сўм	Салмоғи %	Сумма млрд.сўм	Салмоғи %	Сумма млрд.сўм	Салмоғи %
1	Банкнинг ўз маблағлари	433,6	8,19	1080,9	16,82	647,3	149,29
2	Банкнинг жалб этилган ва қарз маблағлари	4861,6	91,81	5347,2	83,18	485,6	9,99
<b>Жами пассивлар</b>		<b>5295,2</b>	<b>100,00</b>	<b>6428,1</b>	<b>100,00</b>	<b>1132,9</b>	<b>21,39</b>

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» нинг жами пассивлари 2016 йилда 5295,2 млрд.сўм бўлган бўлса, 2017 йилда эса бу кўрсаткич 6428,1 млрд.сўмга ошган, яъни ўтган йилга нисбатан 1132,9 млрд.сўмга кўпайганини кузатишимиз мумкин. Бунга асосан, банкнинг жалб этилган ва қарз маблағларининг 485,6 млрд.сўмга ошгани ва банк хусусий капиталининг 647,3 млрд.сўмга ошгани таъсир кўрсатгандир.

Банкнинг хусусий капиталининг йилдан йилга ошаётгани банк учун ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки банкнинг ўз маблағларининг ошиши банкка мижозларнинг ишончини мустаҳкамлайди. Бундан ташқари банк

<sup>30</sup> АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Ўзининг фаолиятида фойда олиш мақсадида рискли ва юқори даромадли операциялар билан ҳам шуғулланиши ҳам мумкин.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг капитали таркиби ва унинг динамикасини қуйидаги жадвалларда кўриб чиқармиз.

#### 11-жадвал

#### АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» капитали таркиби (млрд. сўм)<sup>31</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			
		2014	2015	2016	2017
1	Устав капитали	317,0	361,7	396,5	1079,4
2	Қўшимча капитал	1,6	1,4	0,9	0,9
3	Таксимланмаган фойда	15,5	22,0	36,2	0,6
	<b>Жами</b>	<b>334,1</b>	<b>385,1</b>	<b>433,6</b>	<b>1080,9</b>

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» нинг капитали 2018 йил 1 январ ҳолатига 1080,3 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда ўтган йилга нисбатан 149,3 фоизга ошган бўлса, 2014 йилга нисбатан 340,1 фоизгага ошган. Банкнинг устав капитали 2014 йилда 317 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 1079,4 млрд.сўмга ошган. Яъни ўтган йилга нисбатан 689.4 сўмга ошгани ижобий ҳолат. Банкнинг тақсимланмаган фойдаси ҳамда захира капитали ҳам ўсиш тенденциясига эгаллигини кўриш мумкин.

Тижорат банкининг капиталлашув даражасини АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» мисолида кўрадиган бўлсак, сўнгги йилларда ушбу бакнинг хусусий капитали жадал суръатларда ўсиб бормоқда.

<sup>31</sup> АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.



**8-расм. АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» умумий капиталининг ўсиш динамикаси<sup>32</sup> (млрд. сўм)**

Ушбу расм маълумотларидан кўриниб турибдики, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» нинг хусусий капитали сўнгги беш йилда 3 бараборга ошди. Биргина 2017 йилда банкнинг хусусий капитали 149,3 фоизга ўсиб 1080,3 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса банк бошқарувининг капиталлашув даражасига алоҳида эътибор берилаётганлиги, банк тизимида содир бўлиши мумкин бўлган рисклар ва оқибатида юзага келувчи йўқотишларни қоплашга етарли бўладиган маблағлар ўз вақтида йўналтирилаётганлигидан, бир сўз билан айтганда, банк ресурслари тўғри бошқарилган ва оптимал даражада жойлаштирилганлигидан далолат беради. Бу ҳолат эса ресурслар сифатининг ошишига ва банк даромадларининг ортишига бевосита таъсир қилади.

Капитал миқдорининг ўсишини нафақат миқдор жиҳатдан, балки сифат томонидан ҳам кўриб чиқиш лозим. Яъни капитал таркибида барқарор бўлган 1-даражали капиталнинг улуши, унинг йиллар давомидаги ўзгаришини таҳлил қилиб чиқиш лозим. Бунинг учун АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» регулятив капиталининг таркиби ва динамикасини кейинги жадвал орқали таҳлил қилишимиз мумкин бўлади.

<sup>32</sup> АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» регулятив капиталининг таркиби  
ва динамикаси<sup>33</sup> (млрд. сўм)**

№	Кўрсаткич номи	01.01.2017 йил		01.01.2018 йил		Ўзгариши(+,-)	
		Сумма млрд.сўм	Салмоғи %	Сумма млрд.сўм	Салмоғи %	Сумма млрд.сўм	Салмоғи %
1	Асосий капитал	433,6	94,63	1080,8	98,79	647,2	149,26
2	Кўшимча капитал	24,6	5,37	13,2	1,21	-11,4	-46,34
	<b>Жами регулятив капитал</b>	<b>458,2</b>	<b>100</b>	<b>1094</b>	<b>100</b>	<b>635,8</b>	<b>138,76</b>

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жами регулятив капитал 2016 йилга нисбатан 635,8 млрд.сўмга ёки 138,76 фоизга ошган. Бунга асосий сабаб банкнинг асосий (I даражали) капиталининг 647,2 млрд. сўмга ошган бўлган. Бу албатта банк учун ижобий ҳолат. Банкнинг асосий капитали белгиланган меъёр даражасида бўлгани ўз фаолиятини бемалол ҳимоя қила олиши мумкинлигидан далолат бера.

Регулятив капитал таркибига хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолиятининг юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган шартлар (ташқил қилинадиган жамғармалар/захиралардан белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш, қарз мажбуриятларини чиқариш шартлари ва бошқалар) билан чекланган капитал элементлари киритилиши мумкин эмас.


I даражали капитал регулятив капиталнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги лозим. II даражали капитал миқдори I даражали капитал миқдорининг учдан бир қисмидан ошиб кетса, ошган сумма регулятив капитал таркибига киритилмайди.

Аммо капитал миқдорининг доимий ўсиши унинг рискларни қоплашга етарли бўлишига тўлиқ кафолат бермайди. Чунки ўз навбатида банкнинг рискли активлари ҳам доимий равишда ўсиб боради. Шунинг учун банк капиталининг рискка таъсирини таҳлил қилиш учун халқаро Базель қўмитаси

<sup>33</sup> АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

томонидан жорий қилинган капиталнинг етарлилик даражасини таҳлил қилиш лозим.

Тижорат банкларининг етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлигини таъминлаш, шунингдек, фаолияти давомида дуч келадиган рисклардан зарар кўрмай чиқиб кетиш имкониятини беради. Бу юқорида айтиб ўтганимиздек банк капиталидан самарали фойдаланиш ҳамда қўшимча даромад олиш мақсадида активларни фойда келтирувчи йўналишларга йўналтириш натижасида содир бўлган.



**9-расм. АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» нинг соф фойдаси динамикаси (млрд.сўм)<sup>34</sup>.**

Банкнинг соф фойдаси охириги 3 йида шиддатли равида ошганини кўришимиз мумкин. Бунга асосий сабаб сифатида банкнинг 2014 йилдан бошлаб чет эл капитални иштирокида фаолиятини янгидан бошлагани кўришимиз мумкин.

## **2-боб бўйича хулоса**

1. Мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг етарлилиги Халқаро ташкилотлар талабларига жавоб беради ва Марказий банк нормативларидан юқори суръатларда сақланиб келинмоқда. Тижорат банкларининг регулятив капиталига ва асосий капиталига ўрнатилган талаблар юқори даражада бажарилиб келинмоқда.

<sup>34</sup> АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2. Олинган таҳлил натижаларига кўра, республикамиз тижорат банкларининг жами регулятив капитали миқдори 2016 йилда 8460,1 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилда эса 19992,8 млрд.сўмгача ошиб, ўтган йилга нисбатан 11532,7 млрд.сўмга кўпайган. Бунга мос равишда банкларнинг капитал монандлик даражаси кўрсаткичи ҳам сезиларли ошиб (4,1%га), 2017 йилда 18,80 фоизни ташкил қилган. Бу банк тизими учун ижобий ҳолат ҳисобланади.

3. Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ давлат улушига эга банклар капиталига Ҳукумат томонидан 670 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилди. Бундан ташқари, ҳисобот йили давомида капиталида давлат улуши бўлмаган тижорат банклари умумий капитали 1,6 трлн. сўмга оширилган бўлиб, шундан 1 трлн. сўми кўшимча акциялар ва қарз қимматли қоғозларни жойлаштириш орқали шакллантирилди. Буларнинг натижасида, банкларнинг жами капитали 2016 йилга 130,2 фоизга ўсганини кўришимиз мумкин. Бу албатта банк тизими учун ижобий ҳолатдир.

4. Таҳлил қилинган даврда, АТБ «Қишлоққурилишбанк» нинг жами регулятив капитали ошган бўлиб, унинг таркибини 95 фоизи асосий (I даражали) капиталга тўғри келса, 5 фоизи кўшимча (II даражали) капитал ҳиссасига тўғри келмоқда.

5. АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» нинг капитали 2018 йил 1 январ ҳолатига 1080,3 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда ўтган йилга нисбатан 149,3 фоизга ошган бўлса, 2014 йилга нисбатан 340,1 фоизгага ошган. Банкнинг устав капитали 2014 йилда 317 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 1079,4 млрд.сўмга ошган. Яъни ўтган йилга нисбатан 689,4 сўмга ошгани ижобий ҳолат.

### **3- БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РЕГУЛЯТИВ КАПИТАЛ ЕТАРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Тижорат банклари регулятив капитал етарлилигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари**

Тижорат банкларида капитал етарлилиги уларнинг реал сектор ва бошқа тармоқларни молиявий ресурслар билан таъминлаш имконини беради. Банк капитали етарли бўлмаган тақдирда нафақат банкларнинг ўзи, балки, иқтисодиётнинг бошқа секторларининг ҳам фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун капитал етарлилиги билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида самарали ўрганиш ва ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Амалга оширилган илмий изланишларимиз банк капитали таркибини оқилона шакллантириш ва унинг етарлилигини таъминлаш борасида қўйидаги муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Улардан асосийлари сифатида қўйидагиларни келтириб ўтамыз:

1. Тижорат банклари жами капитали таркибида қўшимча капитал салмоғининг жуда кичиклиги.

Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, республикамыз тижорат банклари жами капиталининг мутлақ асосий қисми асосий капиталдан иборат. Тижорат банклари жами капиталининг ўртача 95 фоизи асосий капитал ҳиссасига тўғри келмоқда.

2. Тижорат банклари капитал етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга мувофиқ устав капиталининг валюта қисмини қайта баҳолаш ҳисобига яратилган девальвация захираси I даражали капитал таркибига киритилган. Бироқ, II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарзлар талаблари сифатида девальвация захирасини яна бир бор учратишимиз мумкин. Бу ҳолатга ҳам ойдинлик киритилиши лозим деб ҳисоблаймиз.



3. Банк капиталининг нобарқарор манбалар ҳисобидан ўсиб бораётганлиги муаммоси.

Охирги йилларда захира капитали таркибига кирувчи устав капиталининг валюта қисмини қайта баҳолаш ҳисобига шакллантирилувчи девальвация захираси салмоғининг ошиб бориши кузатилмоқда. Девальвация захираси курс фарқидан юзага келувчи нобарқарор манба ҳисобланади ва у валюта курси пасайиши натижасида камайиш хавфига (манфий ҳам бўлиши мумкин) эга бўлади. Ундан ташқари охирги йилларда бошқа манбаларнинг юқори ўсиш суръатига эгаллиги устав капиталининг салмоғини пасайишига олиб келмоқда.

4. Банк активларини таснифлашнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги.

Амалиётимизда тижорат банкларимиз қонунчиликка мувофиқ фақат кредитларни таснифлаш ва уларга эҳтимолий йўқотишлар учун махсус захирани шакллантиришларини олдинги бобда кўриб ўтган эдик. Махсус захира банк харажатлари ҳисобидан шакллантирилиб, уларнинг ҳисоби контрактив ҳисобварақларда юритилади. Тижорат банкларида муддати ўтган ссудаларни яшириш имконияти мавжудлиги банкларга кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун махсус захирани шакллантириш харажатларини камайтириш орқали банк соф фойдасини асоссиз ошириш ва юқори капитал етарлилигига эга бўлиш имконини беради. Шунингдек тижорат банклари томонидан бошқа активларни (инвестиция, қимматли-қоғозлар ва бошқалар) таснифланмаслиги ва улар бўйича мажбурий равишда эҳтимолий йўқотишлар учун захиралар шакллантирилмаслиги банк активлари таркибида сифатсиз активларнинг яширинишига, банк томонидан зарарли ва фойдасиз активларни ўз вақтида ҳисобдан чиқарилмаслигига ҳамда банк молиявий аҳволини нотўғри баҳоланишига сабаб бўлади.

Хориж амалиётида балансдан ташқари активлар учун қайта баҳолаш ҳамда эҳтимолий йўқотишлар захирасини шакллантирилишини кўриш мумкин. Улар II даражали капиталнинг элементлари саналади.

Республикамиз тижорат банклари балансдан ташқари активларида захиралар шакллантирилмайди ва молиявий ҳисоботлар чоп этилганда балансдан ташқари моддалар кўрсатилмайди. Бу ҳам банк балансдан ташқари активларининг нотўғри таснифланишига сабаб бўлади.

5. Тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантириш ва унинг минимал даражасига нисбатан қўйиладиган талаблар хусусида ягона ёндошувнинг мавжуд эмаслиги.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этишда ва банк капитали етарлилигини такомиллаштириб боришда қуйидаги чора тадбирларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Тижорат банкларида “капитал rischi”ни камайтириш.

Маълумки, капитал rischi деганда, банк активларининг бозор нархи ёки сифатининг ўзгариши натижасида капитал таркибидаги айрим манбалар камайиш натижасида банк капитали миқдорининг камайиш хавфи тушунилади. Капитал rischi банк капитали таркибида қайта баҳолаш захиралари қанчалик юқори салмоққа эга бўлса, шунчалик юқори бўлади.

Амалиётда банк капитали таркибида девальвация захираси юқори салмоққа эга. Бу миллий валютаимиз қадрининг ошиши устав капиталида хорижий валютага эга тижорат банкларида капиталнинг камайиш хавфини туғдиради. Шу сабабли девальвация захираси нобарқарор манба ҳисобланади. Кўпгина иқтисодчилар тижорат банкларида капитал рискинни камайтириш мақсадида халқаро амалиётга мувофиқ девальвация захирасини I даражали капитал таркибидан чиқариб, II даражали капитал таркибига киритиш лозимлигини кўрсатишади. Бироқ, фикримизча бунинг учун I даражали капитал таркибида девальвация захирасини ўрнини босувчи манбани топиш керак бўлади. Чунки, девальвация захирасининг I даражали капитал таркибидан чиқарилиши кўпгина тижорат банклари капиталининг кескин камайишига ва капитал етарлилигига қўйилган талабларни бажара олмасликларига олиб келади.

Тижорат банкларининг устав капиталининг хорижий валютадаги қисмини конвертация қилиш ва хорижий валютада устав капиталини шакллантиришни таъқиқлаш банк тизимига бўлган инвестицияларнинг қисқаришига олиб келади. Чунки, хорижий инвесторнинг ўз маблағини конвертация қилиб инвестицияга йўналтириши, юқори инфляция шароитида нафақат оладиган даромадининг балки, қилган кўйилмасининг ҳам кадрсизланишига олиб келади. Девальвация захирасини даромад сифатида солиққа тортиб, дивиденд сифатида тўлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Бу тижорат банки активлари ва капиталининг камайишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча тижорат банклари девальвация захирасини капиталлаштириш лозим. Девальвация захирасининг доимий ўсиш тенденциясига эга бўлиши – уни капиталлаштиришга имкон беради. Хориж амалиётида бу тарзда қайта баҳолаш захираларининг (валюта, қимматли-қоғозлар ва асосий воситаларни қайта баҳолаш захиралари) капиталлаштирилиши, яъни банк акциядорларига бепул акция тарқатиш орқали устав капиталига қўшилиши “бонусли эмиссия” деб аталади. Янги чиқарилган акциялар банк активларини камайтирмайди ва олдин чиқарилган акциялар бозор баҳосини туширмайди. Бонусли эмиссия банк акциядорлик капиталини ошириб, унинг барқарорлигининг ўсишини таъминлайди. Одатда, капиталлаштириш устав капиталининг 20 фоизгача амалга оширилади. Бонусли эмиссия суммаси устав капиталининг 5 фоизгача бўлса, акциялар бозор баҳосида ва 5 фоиздан 20 фоизгача бўлган қисми номинал қийматида акциялар тарқатилади. Бунда акциялар бозор баҳосининг юқори бўлиши бонусли эмиссиядан акциядорларнинг манфаатдорлигини оширади. Хориж амалиётига мувофиқ девальвация захирасининг 15 фоизидан ошмаган миқдорда 3 йилда бир маротаба, 5 йилдан ортиқ муддатга эга бўлган қисмини капиталлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Фикримизча, 5 йилдан ортиқ муддатга эга бўлган девальвация захираси суммаси моҳиятан ўзини “оқлаган” бўлади. Чунки, девальвация захираси

устав капиталини қайта баҳолаш натижасида гарчи, банк активлари ўсмаган ҳолда шакллантирилсада, банк пассивида активлар манбаси сифатида акс этади. Мазкур активларни айнан кўрсатиб бўлмасида, улар беш йил давомида бир неча бор оборотда бўлиб ўзини оқлаган ҳисобланади.

Девальвация захирасининг капиталлаштирилмаган қисмини II даражали капитал таркибига киритиш лозим. Бу тижорат банклари II даражали капитали базасининг мустаҳкамланишига олиб келади.

2. Тижорат банкларининг қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим.

Тижорат банклари консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қўйилмалар ва субординациялашган қарз мажбуриятлари ҳажмини ошириш йўли билан қўшимча капитал базасини мустаҳкамлаш имкониятига эгадирлар.

3. Тижорат банклари акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг кўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш лозим .

Бунинг учун аввало тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар даражасини инвесторлар манфаатига мақбул келадиган даражага етказиш лозим. Бунда ҳукуматнинг қисқа муддатли облигацияларга тўланадиган фоизлардан асос сифатида фойдаланиш, инвесторларнинг банк акцияларига қилган қўйилмалари ва улардан оладиган даромадларига инфляция даражаси ва валюта курси таъсирини ҳисобга олиш зарур. Кўпгина тижорат банклари устав капиталини ошириш мақсадида соф фойдани асосий қисмининг бир неча йил кетма кет капиталлаштиришлари уларнинг тўлайдиган дивидендларини камайишига олиб келмоқда. Соф фойданинг капиталлаштирилишида капитални шакллантириш матрицасидан фойдаланиш ва дивидендларнинг доимий ўсиш тенденциясини ушлаб туриш лозим. Акс ҳолда иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида акцияларга бўлган барқарор талабни юзага келтириш ва банк акцияларининг бозор баҳосини аниқлаш имкони бўлмайди.

4. Тижорат банклари капитали етарлилигини ҳаққоний тарзда акс эттиришни таъминлаш лозим.

Маълумки, амалиётда тижорат банкларига капитал етарлилигини сифат кўрсаткичларини бузиб кўрсатиш имконияти мавжуд. Айниқса, кредитларни нотўғри таснифлаш орқали муаммоли кредитлар учун эҳтимолий йўқотишларга доир махсус захира харажатларини камайтириш билан банк соф фойдасини асоссиз ошириш мумкин. Тижорат банклари харажатларини бу йўл билан камайтириш маълум давр ижобий натижа бериши мумкин. Лекин келгусида банк инқирозга учраши учун замин яратади.

Мазкур муаммони бартараф этиш ва капитал етарлилигини ҳаққоний тарзда баҳоланишини таъминлаш учун капитал етарлилигини ҳисоб-китоб қилишда умумий капиталдан чегирмалар таркибига кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар учун яратилмаган махсус захиралар суммасини каритиш лозим. Бу тижорат банкларига банк соф фойдасини асоссиз ошириш орқали капитални ўстиришга қаратилган ҳаракатларини самарасиз қилиб қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз банк тизимида тижорат банклари капитал таркибини шакллантириш ва унинг етарлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қанча муаммолар мавжуд. Ўйлаймизки, ушбу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида юқорида келтирилган чора тадбирларни амалга оширилиши республикамиз банк тизимида банк капитали самарадорлигини ошириш ва унинг таркибини такомиллаштириб боришга имконият яратади ҳамда бунинг натижасида республикамиз банк тизими барқарорлиги таъминланади.

### **3.2. Республикамизда банк капитали монандлигини Базель талабларига мослигини таъминлаш**

2010 йил сентябрь ойида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси банк капитали ва ликвидлилигининг янги стандартлари тўлиқ ишлаб

чиқилганлигини эълон қилди ҳамда ноябрь ойида ушбу янги стандартлар катта йигирмалик давлатлари раҳбарларининг Сеул саммитида тасдиқланди. Базель III дея номланаётган ушбу янги стандартлар банклар капитали етарлиликка минимал талабларнинг тобора ва босқичма-босқич кучайтиришни назарда тутди. Ушбу янги стандартларга катта йигирмалик давлатларида 2013 йилдан бошлаб ўтилиши ҳамда 2019 йилга келиб ушбу давлатларда банклар ўз капиталларини Базель III талабларига тўлиқ мослаштиришлари кутилмоқда.

Тижорат банкларида риск бошқарувини такомиллаштириш лозим. Халқаро амалиётда банк менежментининг марказий бўғини риск бошқаруви эканлиги аллақачон исботланган. Базель I, Базель II ва Базель III стандартларининг асл моҳияти ҳам риск ва капитал ўртасидаги боғлиқликда намоён бўлади. Базель III келишувининг бош мақсади – банк ишида риск бошқаруви сифатини ошириш ҳисобланади.

Базель-III тавсияларини қўллашдан кўзланаётган асосий мақсадлар:

- банк секторининг молиявий-иқтисодий тангликдан келиб чиқадиган инқирозларга қарши тура олиш имкониятини ошириш;
- риск-менежмент ва бошқарув сифатини ошириш;
- банклар фаолияти, капитал базаси шаффофлигини (транспарентлиги) кучайтириш.

Базель-III негизидаги асосий янги талаблар:

- капитал етарлиликка нисбатан янги талаблар (оддий акциялар ва тақсимланмаган фойдага устуворлик бериш, қўшимча махсус захира капиталини шакллантириш);
- 2 та ликвидлилик коэффициентига (Liquidity Coverage Ratio, The Net Stable Funding Ratio) нисбатан меъерий талабларни жорий этиш;
- левераж коэффициентини жорий қилиш (Бунда коэффициентнинг ўртача чораклик даражаси ҳисобланади ва дастлабки босқичда унинг меъерий даражаси 3 фоиз этиб белгиланади).

Халқаро Базель кўмитасининг капитал етарлилигига қўйидган янги талабларини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

### 13-жадвал

#### Банк капитали етарлилиги бўйича Базель-III талабларини жорий этиш муддатлари<sup>35</sup> (тегишли молиявий йилнинг 1 январь ҳолатига)

Кўрсаткич номи	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019
Базавий I даражали капитал (Оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га минимал талаб	3,5%	4,0%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%	4,5%
Махсус захира капитали				0,625%	1,25%	1,875%	2,50%
Базавий I даражали капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	3,5%	4,0%	4,5%	5,125%	5,75%	6,375%	7,0%
I даражали капиталга минимал талаб	4,5%	5,5%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%	6,0%
Умумий капиталга минимал талаб	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%	8,0%
Умумий капиталга минимал талаб + Махсус захира капитали	8,0%	8,0%	8,0%	8,625%	9,25%	9,875%	10,5%

Жадвалдан маълум бўладики I даражали капиталга минимал талаб амалдаги 4 %дан 2013 йил 1 январга келиб 4,5 фоизга, 2019 йил 1 январга келиб эса 6 %га етади. Базавий I даражали капитал эса (оддий акциялар + тақсимланмаган фойда)га нисбатан талаб 2013 йилдан бошлаб 3,5%, 2015 йилдан буён эса 4,5 % даражасида белгиланади. Фавқулодда ҳолатлар учун махсус захира капитали (Сапитал Сонсерватион Буффер) шакллантирилиб, унинг меъёрий даражаси 2019 йилга келиб 2,5% этиб белгиланади. Контрциклик захира капитали (Соунтерсйслисал Сапитал Буффер) миллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич 2019 йилга келиб базавий II-даражали капиталнинг 2,5 %и миқдорида белгиланади.

Бундан ташқари Базель-III га мувофиқ, банкларга капиталнинг 15 фоизидан ошмайдиган миқдорда консолидациялашмаган молиявий

<sup>35</sup> [www.bis.org](http://www.bis.org) – халқаро Базель кўмитасининг расмий веб-саҳифаси

муассасаларнинг оддий акцияларига инвестициялар қилишга рухсат берилади. Инвестицияларнинг юқоридаги 15 фоиздан ортиқ қисми 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб капитал таркибидан 100 фоиз чегириб ташланади.

Базель-III да банк ликвидлигига нисбатан ҳам янги талабларни белигалйди:

1. Жорий ликвидлилик коэффиценти (Liquidity Coverage Ratio (LCR)) – 2015 йил 1 январдан бошлаб

**$LCR = (\text{юқори сифатли активлар}) / (\text{30 кун мобайнида соф пул чиқимлари}) \geq 100\%$**

2. Соф барқарор манбалар коэффиценти (The Net Stable Funding Ratio (NSFR)) – 2018 йил 1 январдан бошлаб

**$NSFR = (\text{Мавжуд барқарор манбалар}) / (\text{талаб қилинган барқарор манбаларнинг фойдаланилиши}) \geq 100\%$**

Юқоридаги янги талаблар банк тизимида жорий этишда қуйидаги муаммолар юзага келиши мумкин:

- оддий акциялар салмоғини ошириш учун қўшимча акцияларни муомалага чиқариш ва инвесторларни жалб этиш, акциялар таклифининг ортиши ҳисобига акция баҳосининг пасайиши;

- тақсимланмаган фойда салмоғини ошириш борасида акциядорлар ўртасида манфаатлар келишмовчилигининг юзага келиши;

- иқтисодий рецессия шароитида соф фойдани ошириш имкониятининг чекланиши;

- янги ликвидлилик талабини жорий этиш ҳисобига даромадлиликнинг пасайиши;

- банкларнинг кредитлаш қўламининг қисқариши ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарорига



мувофиқ, тижорат банкларининг капиталлашув даражаси, барқарорлиги ва ликвидлилигини ошириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди. Биргина тижорат банклари капиталлашув даражасини ошириш бўйича кўйидаги чоралар маъқулланди:

- 2011-2015 йиллар мобайнида тижорат банкларининг ялпи капиталини қўшимча акциялар чиқариш ҳисобидан ўртача 2,1 марта кўпайтириш;

- банк тизими устав капитали таркибида нодавлат сектори улушини янада ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- банк назорати тизимига, капитал етарлилигига бўлган талабларни такомиллаштиришни, кутилаётган йўқотишлар модели асосида эҳтимолий йўқотишларга захираларни шакллантиришни кўзда тутувчи Базель кўмитасининг янги тавсияларини тадбиқ этиш;

- халқаро банк амалиётига мувофиқ операцион харажатларини қоплашни ва банклар тузилмаларининг рационал фойдалилигини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда республика тижорат банкларининг тариф сиёсатини такомиллаштириш;

- банклар капитали, активлари, бошқаруви, даромадлари, мажбуриятларининг сифати ва даражасини холис баҳоланишини таъминловчи CAMELS тизимининг янги талқинини тадбиқ қилишни кўзда тутган ҳолда тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш;

- ҳар чоракда банк Кенгаши йиғилишларида банк бошқарув раиси ва аъзолари, ички аудит бўлими раҳбарларининг банк активлари, кредит ва инвестиция портфеллари ҳолати, банк капиталини ўсишини таъминлаш, даромадлилик ва ликвидлилик кўрсаткичлари, шунингдек банк тизими олдига қўйилган бошқа устувор вазифаларнинг ижроси тўғрисидаги масалалар бўйича ҳисоботларини кўриб чиқиш.

Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсияларига мувофиқ тижорат банкларининг капитал етарлилигига нисбатан талабларни ошириш мақсадида Марказий банк томонидан Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг халқаро экспертлари билан биргаликда банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ишлари олиб борилди.

Банкларнинг капитал коэффициентларига экзоген шоклардан сўнг, ушбу банклар кредитлар, қарз мажбуриятлари ва дивиденд тўлашдан, уларнинг сармоя нисбатларини таъмирлаш ва уларнинг ликвидлик позицияларини кучайтирадиган ҳаракатларидан узоқлашди. Буюк банкларда бундай хатти-ҳаракатлар жуда кам. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, капиталнинг минимал чекланиши табиий равишда банклардаги ликвидлик рискни камайтиради ва бу банкларни Базель III ликвидлиги стандартларидан озод қилишни оқляпти<sup>36</sup>.

Хусусан, янги тартибга асосан банк баланси активлари таваккалчилик даражаси беш гуруҳга бўлиниб, 150 фоизлик таваккалчилик коэффициенти кўшимча жорий қилинди.

Янги талабларга асосан, 2015 йил 1 январдан бошлаб банк капитали етарлилигининг энг кам даражаси банкнинг кредит таваккалчилиги суммаси билан бирга банкнинг операцион ва бозор таваккалчиликларини ҳам ҳисобга олади.

2016 йил 1 январдан бошлаб регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти (K1)нинг энг кам даражаси 0,115 (11,5 фоиз) миқдорида ўрнатилди.

2019 йил 1 январдан бошлаб банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда K1 нинг энг кичик даражасини 0,13 (13,0 фоиз) миқдорида таъминлашлари шарт.

---

<sup>36</sup> <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1042957318300123> - Robert De Young, Isabelle Distinguin, Amine Tarazi. The joint regulation of bank liquidity and bank capital Journal of Financial Intermediation Volume 34, April 2018, Pages 32-46

Капиталнинг монандлигига қўйилган минимал талаблар (%)<sup>37</sup>

Талаб кучга кириш санаси	Регулятив капиталга, (K1)	I даражали капиталга, (K2)	I даражали асосий капиталга
01.01.2017	12,5	9,5	7,5
01.01.2019	13	10	8

Консервацияланган капитал буфери таваккалчиликка тортилган активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захира ҳисобланади. Ушбу захирани ташкил этишдан мақсад, банклар молиявий ва иқтисодий танглик даврида йўқотишларни амортизациялаш учун фойдаланиладиган захира капитали мавжудлигининг кафолатидир.

$$\text{Капитал етарлиги коэффициенти} = \frac{\text{Регулятив капитал}}{\text{Рискка тортилган активлари (кредит rischi + операцион риск + бозор rischi)}} \geq 13,0\%$$

Шу билан бирга, биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти 2016 йил 1 январдан бошлаб K2 нинг энг кам даражаси 0,075 (7,5 фоиз) миқдорида ўрнатилади. Капиталнинг консервация буфери таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги барча активларнинг 3,0 фоизи сифатли I даражали капитал бўлишини ҳисобга олган ҳолда ва Базель III меъёрларига мувофиқ K2 коэффициенти 2017-йилнинг 1-январидан 0,095 (9,5 фоиз) ва 2019-йилнинг 1-январидан 0,10 (10,0 фоиз) миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

$$\text{1-даражали капитал етарлиги коэффициенти} = \frac{\text{1-даражали капитал}}{\text{Рискка тортилган активлари (кредит rischi + операцион риск + бозор rischi)}} \geq 10,0\%$$

<sup>37</sup> Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-2

Ушбу янги ўзгаришларнинг киритилиши, албатта, банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларнинг халқаро стандартлар асосида такомиллашишига олиб келади. Лекин масалага бошқа томондан ҳам қараш лозим. Рискка тортилган активларни ҳисоблашда янги рискларнинг қўшилиши банк капитали етарлилиги кўрсаткичининг кескин тушиб кетишига олиб келади. Чунки операцион рискка тортилган активлар миқдори кўпчилик тижорат банкларида катта суммани ташкил этиши мумкин.

### **3- боб бўйича хулоса**

Тижорат банкларида кабиртал етарлилиги уларнинг реал сектор ва бошқа тармоқларни молиявий ресурслар билан таъминлаш имконини беради. Банк капитали етарли бўлмаган тақдирда нафақат банкларнинг ўзи, балки, иқтисодиётнинг бошқа секторларининг ҳам фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун капитал етарлилиги билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида самарали ўрганиш ва ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз банк тизимида тижорат банклари капитал таркибини шакллантириш ва унинг етарлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ва Базель қўмитасининг талабларини жорий қилиш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд. Ўйлаймизки, ушбу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида юқорида келтирилган чора тадбирларни амалга оширилиши республикамиз банк тизимида банк назорати самарадорлигини ошириш имконият яратади ҳамда бунинг натижасида республикамиз банк тизими барқарорлиги таъминланади.

Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати 12,5 фоиздан кам бўлмаслиги керак. 2019 йил 1 январдан бошлаб банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда К1 нинг энг кичик даражасини 0,13 (13,0 фоиз) миқдорида таъминлашлари шарт. Базель 3 меъёрларига мувофиқ К2 коэффиценти 2017 йилнинг 1 январидан 0,095 (9,5 фоиз) ва 2019 йилнинг 1 январидан 0,10 (10,0 фоиз) миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

## ХУЛОСА

Республика банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 18,7 фоизни ташкил қилиб, қабул қилинган халқаро меъёрга нисбатан 3 баробар юқори ҳамда банк тизими ликвидлиги 56,1 фоизни ташкил қилиб, талаб этиладиган энг кам даражадан 2 баробар яқин бўлишининг таъминланганлиги халқаро молия ташкилотлари ва ҳамжамиятнинг юқори эътирофига сазовор бўлмоқда<sup>38</sup>.

Банк фаолиятида энг асосий ўринни эгаллайдиган, энг барқарор манба сифатида қараладиган элементи бу шубҳасиз, банк капиталидир. Тижорат банки капитали – бу банк фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаси бўлиб, банкнинг операцион жараёнида қутилмаганда юзага келадиган зарарларниб қоплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир.

Бугунги кунда дунёнинг кўпчилик мамлакатларида тижорат банклари капиталининг таркибини шакллантиришда халқаро Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандартлардан асос сифатида фойдаланилмоқда. Унга кўра банк капитали асосий ва қўшимча ёки I даражали ва II капиталдан иборат. Халқаро талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам банк капиталининг етарлилиги, левераж ва банк капитали таркибига қўйилган талаблар, яъни банк капитали таркибида II даражали, қўшимча капитал улуши I даражали асосий капитал улушидан ошиб кетмаслиги бўйича иқтисодий меъёрлар ўрнатган.

Асосий капиталнинг етарлилик даражаси минимум 4 фоиз, умумий капитал етарлилик даражаси 8 фоиз миқдорида қилиб белгиланган. Ўзбекистон Республикасида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 5 фоиз ва 10 фоизни ташкил этади. Юқоридаги таҳлил натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқдик:

---

<sup>38</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий сайти маълумотлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи)

1. Мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг етарлилиги Халқаро ташкилотлар талабларига жавоб беради ва Марказий банк нормативларидан юқори суръатларда сақланиб келинмақда. Тижорат банкларининг регулятив капиталига ва асосий капиталига ўрнатилган талаблар юқори даражада бажарилиб келинмоқда.

2. Тижорат банклари акцияларини иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида кенг кўламда олди-сотди қилинишини таъминлаш зарур .

Бунда тижорат банклари томонидан оддий акцияларга тўланадиган дивидендлар даражасини инвесторлар манфаатига мақбул келадиган даражага етказиш ва аҳолининг қимматли қоғозлар бозори ҳақидаги маълумотларини ошириш лозим.

3. Тижорат банклари жами капитали таркибида қўшимча капитал салмоғини ошириш лозим.

Тижорат банкларининг қўшимча капитали таркибида: субординациялашган қарз мажбуриятлари, консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қуйилмаларнинг мавжудлигини таъминлаш лозим .

Бунинг учун тижорат банклари қошида лизинг, факторинг ва бошқа компанияларни очиш ва кўпайтириш лозим. Яъни банк капиталининг консолидациялашувига эришиш лозим.

4. Субординациялашган қарз мажбуриятларининг амалиётда кам қўлланилиши ва бу тижорат банкларида қўшимча капиталнинг етарли эмаслигига олиб келиши;

Юқоридаги таҳлил маълумотларидан кўринадикки банкларимизда субординар қарз мажбуриятларидан деярли фойдаланмай келишмоқда буни жалб қилинган маблағлардаги улушининг 1 фоизга ҳам етмаслидан кўриш мумкин. Бу турдаги қарзнинг устунлик томони шундаки у муддат бўйича барқарор ресурс бўлиб, актив ва пассивларни бошқаришда қийинчилик туғдирмайди.

5. Базель III капитал етарлилиги бўйича таклиф қилаётган кўрсаткичларни мамлакатимиз банк тизими хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич амалиётга тадбиқ қилиб бориш лозим.

Базель кўмитасининг консултатив ҳужжатларидаги янги тавсиялар инқироз сабоқларини ҳисобга олган ҳолда банкларда назорат ва хатарни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган.

Тижорат банкларининг капиталини молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш ва уларни самарали жойлаштиришга эришиш банкларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг ривожланиши, натижада, халқимиз турмуш даражасининг ошишига олиб келади.

6. Ликвидлик бўйича жорий қилинган янги меъёрларни янада аниқлаштириш, уларни ҳисоблаш бўйича услубий тартиблар ишлаб чиқиб жорий этилиши лозим. Шу билан бирга, Базель кўмитасининг ўзи томонидан берилган тавсиялар ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ликвидликни қоплаш меъёри кўрсаткичини йиллар мобайнида босқичма-босқич амалиётга жорий этиш.

7. Тижорат банклари регулятив капиталининг макродаражада етарлилигини таъминлаш учун, биринчидан, регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан номинал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим; иккинчидан, тижорат банклари регулятив капиталининг миқдорини бир вақтнинг ўзида ҳам янги акциялар чиқариш йўли билан, ҳам тақсимланмаган фойдани устав капиталига йўналтириш йўли билан кўпайтириш зарур; учинчидан, тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган янги оддий акцияларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш мақсадида инвесторларнинг банкларнинг акцияларига қилган инвестицияларидан олган даромадлари фойда солиғидан озод қилиниши лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### 1. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.Шарқ, 2017 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1996 йил 25 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонуни. 2011 йил 4 октябрь.
5. Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи Қонунлар тўплами. Т. Ўзбекистон 2011й. 448б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон Республикаси марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5296-сонли Фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли Қарори
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармони



12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2344-сонли Қарори

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида ”ги ПҚ-1317-сонли Қарори

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги "Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”г и ПҚ-1166-сонли Қарори

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПФ-4058-сон Фармони

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-56-сонли Қарори

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 августдаги “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2709–сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар

бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 2696-сонли Қарори

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693 – сонли Қарори.

## **2. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари**

21. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”.- Тошкент: 2016.-56б.

22. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”.- Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.-104б.

23. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017. – 48б.

24. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз” нутқи. Халқ сўзи. 2016 йил 15 декабрь, №248

25. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи \ 20.09.2017 йил.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси Халқ сўзи 2017 йил 23 декабрь.

27. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: Ўзбекистон, 2015, 304 б.

### 3. Дарслик ва ўқув адабиётлари:

1. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. Дарслик.-Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008.
2. Абдуллаева Ш.З. Омонов А.А.Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш –Т.: “Иқтисод-Молия”, 2006 йил 120 б.
3. Абдуллаева Ш.З., Каримов Ф.Ш., Наврўзова К.Н., Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни шакллантириш асослари. Ўқув қўлланма. 1-китоб Т.:ТМИ, 2004 йил.
4. Абдуллаева Ш.З., Каримов Ф.Ш., Наврўзова К.Н., Ортиқов У.Д. Тижорат банклари молиявий ресурсларини бошқариш. Ўқув қўлланма. 2-китоб Т.: ТМИ, 2005 йил.
5. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик.– “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2017 Тошкент.–588 б.
6. Алавердов А.Р. Стратегический менеджмент в коммерческом банке: учеб. /А.Р.Алавердов. – М.: Маркет ДС, 2007 – 576с
7. Балабанов А.И., Боровкова Вик. А., и др. Банки и банковское дело: Учебник для вузов. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007 – 448с.
8. Белоглазова Г.Н. Банковское дело: Учебник для вузов – СПб.: Питер, 2008 - 400с.
9. Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учебное пособие. – М.: Магистр, 2007 – 350с.
10. Грюнинг Х. ванн, Брайович Братанович С. Анализ банковских рисков. Система оценки корпоративного управления и управления финансовым риском. – М.: Издательство «Весь Мир», 2004 – 304с.
11. Ермаков С.Л. Основы организацИ деятельности коммерческого банка: учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656с.
12. Жуков Е.Ф., Зеленкова Н.М. Деньги. Кредит.Банки: учебник для студентов вузов. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009-783с.
13. Коробова Г.Г. Банковское дело: Учебник - М.: «Экономисть»,2005. -751с.

14. Куликов А.Г. Деньги, кредит, банки: Учебник. – М.: КНОРУС, 2009 – 656С
15. Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках Материалы ИЭР. Том II. Всемирный банк. Вашингтон 2012 г
16. Лаврушин О.И. Банковское дело. - М.: Финансы и статистика, 2016. -574с.
17. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 296с.
18. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. - М.: «Вазар-Ферро», 2014. С. 392.
19. Қоралиев Т.М. ва б Банк иши. Дарслик.– “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2016 Тошкент.–451 б.
20. Қоралиев. Т, Ортиқов У. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. Тошкент. 2009 й.

#### **4. Даврий нашрлар (газета ва журналлар):**

21. Бобокулов Т., Юсупов А. Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш. // Бозор, Пул ва Кредит. №10, 2014 йил. – 6-7 б.
22. Бобоев Б. Банк ресурсларидан фойдаланишни мақбуллаштириш. //Бозор,пул ва кредит. №2, 2011.
23. Власов С.Н., Рожков Ю.В. Управление ликвидностью коммерческого банка. // Банковское дело. №9, 2011. – С.24-26.
24. Жўраев У. Халқаро банк назоратини такомиллаштиришда Базель Кўмитасининг роли. // Бозор, Пул ва Кредит. №10, 2013 йил. – 3-7 б.
25. Капитализация банков Узбекистана: факторы и условия роста.// Рынок, Денги и Кредит.№2, 2007 йил. – 3-12 б.
26. Каримов Н. Тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлаш – инвестициявий фаолиятни такомиллаштириш омили. //Бозор, пул ва кредит. №10, 2006 – 13-14 б.

27. Козлов А.А. Вопросы реализацII Базельских рекомендацII в области банковского надзора в РоссII. //Деньги и Кредит, №6 -2006.
28. Маткаримов М. Тижорат банки ресурс базасини шакллантириш. //Бозор, пул ва кредит. №1.2015.
29. Маткаримов М. Банкнинг ўз маблағлари амалдаги ҳолати таҳлили. //Бозор, пул ва кредит. №8-9, 2004.
30. Омонов А. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Монография, 2-нашри-Т. “ Иқтисод Молия-2010- й. 142-бет
31. Омонов А. Банк капитали етарлилигини таъминлашда хатарли банк активлари аҳамияти. //Бозор, Пул ва Кредит. №6 2015. – 14-15 б.
32. Омонов А.Банк капитали етарлилигига қўйилган талаблар. // Бозор, Пул ва Кредит. №3 2014. – 14 - 15 б.
33. Омонов А. Замонавий ривожланиш боскичида тижорат банкларини капиталлаштириш, // Бозор, Пул ва Кредит. №7 2005. – 3-5 б.
34. Robert De Young, Isabelle Distinguin, Amine Tarazi. The joint regulation of bank liquidity and bank capital Journal of Financial Intermediation Volume 34, April 2018, Pages 32-46
35. Собиров А., Юсупов А. Стратегия формирования и укрепления капитала коммерческих банков Узбекистана. //Рынок, Денги и Кредит, №2. 2005. – 9-15 с.
36. Симановский А.Ю. Базель II: к концепция регулятивного капитала. //Деньги и Кредит, №5 -2006
37. Симановский А.Ю. Достаточность банковского капитала: новые подходы и перспективы их реализац. // Деньги и Кредит, №6, 2007. – С. 20-23.
38. Тысячникова Н.А. Базель II в Россия – проблемы и решения. //Денги и Кредит, №10 -2011.
39. Қоралиев Ш. Тижорат банклари капитали етарлилигини таъминлаш. // Бозор, Пул ва Кредит. №2. 2013. – 13-14 б.

40. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари

41. АТБ “Қишлоққурилишбанк” нинг йиллик ҳисобот маълумотлари

42. “Ахбор-Рейтинг” миллий рейтинг агентлиги ҳисобот маълумотлари.

## **5. Интернет сайтлар:**

43. <http://www.cbu.uz> - (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)

44. <http://www.stat.uz> - (Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси)

45. <http://www.lex.uz> - (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)

46. <http://www.qqb.uz> - (АТБ “Қишлоққурилишбанк” расмий сайти)

47. <https://www.sciencedirect.com> - (ScienceDirect халқаро маълумотлар базаси)